

**«МАҲАЛЛА — ТИНЧЛИК ВА ОСОЙИШТАЛИК ПОЙДЕВОРИ,  
АҲИЛЛИК ВА ҲАМЖИҲАТЛИК, МАЪРИФАТ ВА ТАРБИЯ ҚЎРҒОНИДИР»**

# Маҳалла

ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ,  
МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ ГАЗЕТА

#9 (2095) | ШАНБА, 4 МАРТ 2023 ЙИЛ

WWW.XOLISNAZAR.UZ

@XOLIS\_NAZAR

@XOLISNAZAR



**МАҲАЛЛАЛАРДА КАТТА  
ШОДЛИК БИЛАН НИШОНЛАНАДИ**

**2-**  
саҳифада.

## ҲОКИМНИ ХАЛҚ ТЕРГАБ ТУРИШИ КЕРАК... (МИ?)

Яхши раҳбар бўлишни ҳамма  
хотайди, аммо раҳбарнинг яхши  
бўлиши учун уни халқ тергаб туриши  
лозим. Демак, бизга яхши ҳоким-  
лар эмас, бизга исталган раҳбарни  
тийиб турадиган тизим керак. Бу  
беш-олти йилдан буён айтилаётган,  
бирок ҳали амалга оширилмаган  
ҳокимларни сайлаш, уларга ишонч-  
сизлик билдириш, Кенгаш раислиги-  
дан четлатиш тизимига ўтиш вақти  
аллақачон келганидан далолатдир.

**6**

## ЯНГИ ТАЖРИБА: «МАҲАЛЛА САРДОР»ЛАРИ ИШ БОШЛАДИ

Томорқадан самарали фойдала-  
ниб, қишлоқ хўжалиги маҳсулот-  
ларини етиштиришда юқори нати-  
жаларга эришаётган, ички бозорни  
қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари  
билан таъминлаш ишларига муносиб  
ҳисса қўшаётган, деҳқончилик ма-  
данияти ва сир-асрорларини пухта  
эгаллаган, шунингдек, аҳоли ўртаси-  
да алоҳида ҳурматга сазовор бўлган  
илғор томорқачилар «Маҳалла сар-  
дори» сифатида танлаб олинмоқда.

**10**

## ЧИЛИМГА ТОБЕЛИК НЕГА ОРТИБ КЕТАЯПТИ?

Нега чилим ва электрон сигарета-  
лар очикчасига сотиляпти? Нима  
учун кафе-барларда, ижтимоий  
тармоқларда зўр бериб реклама қи-  
ляпти? Қўшни (Қозғистон, Қирғи-  
зистон) республикаларида чилим  
чекиш қонунан тақиқланган. Юрти-  
мизда эса чилимқашлик ва электрон  
сигарета кашандаларининг сони  
ошиб бормоқда. Мамлакатимизда  
чилимқашликнинг олдини олиш учун  
қонун ишлаб чиқилганми?

**14**

## ЗАМОНАВИЙ ҚЎШНИЧИЛИК ЎЗЛИКНИ ТАРК ЭТЯПТИМИ?

Биз замонавий дунёга қараб эмас,  
замонавий одамлар бизга қараб  
— миллий урф-одатлар, анъана-  
ларга боқиб мослашгани меъёрда  
бўлгани яхши. Шунда жамиятдаги  
турли ахлоқсизликлар, оиладаги  
низоларни кўчага олиб чиқишлар ва  
бошқа жиҳатлардан одамлар бироз  
уялиб, ўзларига «қўшнилариим нима  
дейди, танбех бермайди, маҳал-  
лага иснод келтирмайманми», деган  
саволлар берармиди...

**15**



## МАҲАЛЛАЛАРДА КАТТА ШОДЛИК БИЛАН НИШОНЛАНАДИ

**БУ ЙИЛГИ НАВРЎЗ БАЙРАМИ МАМЛАКАТИМИЗДА «ҲАР КУНИНГ НАВРЎЗ БЎЛСИН, ЖОНАЖОН ЎЗБЕКИСТОНИМ!» ДЕГАН БОШ ҒОЯ АСОСИДА НИШОНЛАНАДИ. НАФОСАТ ВА ҒЎЗАЛЛИК БАЙРАМИ БАРЧА ШАҲАР ВА ТУМАНЛАР, ҚИШЛОҚ ВА ОВУЛЛАРДА УМУМХАЛҚ САЙИЛЛАРИ ШАКЛИДА КАТТА ТАНТАНА ҚИЛИНАДИ.**

Наврўзни барчамиз интиқиб кутаётганимиз рост. Ҳар йилгидан-да совуқ келган қаҳратон қишнинг изғиринли, қор-ёмғирли кунлари барчамизни зериктиргани, баҳор тафтини соғинтиргани бор гап. Баҳорнинг илк кунидан бошлаб, қалбимизда ўзгача ширин ҳислар туғён ура бошлайди. Асл миллий байрамимиз яқинлашаркан, дилларга ўзгача шуқуҳ, сурур инади, ён-атрофдагиларнинг юз-кўзида ҳам самимийлик, қувонч ва яшариш туйғулари уфуриб туради. Дарҳақиқат, баҳор ва табиат уйғонишининг тисоли, шарқона янги йилнинг бошланиши бўлган Наврўзи оламни баланд руҳ ва катта шодиёна билан нишонлаш азал-азалдан эл-юртимиз учун ғўзал аънана ҳисобланади. Шу маънода давлатимиз раҳбарининг жорий йилнинг 1 март санасида қабул қилинган «2023 йилги Наврўз умумхалқ байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида»ги қарори халқимиз томонидан катта мамнуният ва аъло кайфият билан қарши олинди.

**«ҲАР КУНИНГ НАВРЎЗ БЎЛСИН, ЖОНАЖОН ЎЗБЕКИСТОНИМ!»**

Президент қарорига кўра, бу йилги Наврўз байрами мамлакатимизда «Ҳар кунинг Наврўз бўлсин, жонажон Ўзбекистоним!» деган бош ғоя асосида нишонланади. Шунингдек, ҳужжатда ушбу баҳорий айёмни кўтаринки руҳ ва юксак савияда ўтказиш бўйича қатор вазифалар ўз аксини топган.

**Нафосат ва ғўзаллик байрами барча шаҳар ва туманлар, қишлоқ ва овулларда умумхалқ сайиллари шаклида катта тантана қилинади.** Умумхалқ сайилларида халқимизнинг ўзига хос миллий қадриятлари, асрий аънаналари, урф-одатлари, авлоддан-авлодга ўтиб келаётган миллий ўйинлари, спорт турлари, қолаверса, ўзаро ҳамжиҳатлик хислатлари ўз буй-бастини намоён этади. Президент қарорига қайд этилганидек, Наврўзи оламнинг руҳи ва фалсафасида мужассам бўлган яхшилик ва бағрикенглик, аҳиллик ва ҳамжиҳатлик, атроф-муҳитни кўз қорачиғидек асраб-авайлаш каби олижаноб ғоялар Янги Ўзбекистонда амалга ошириладиган тарихий ўзгаришларнинг мақсад ва мазмунига ҳамоҳанглик касб этади.

**Наврўз Бирлашган Миллатлар Ташкилоти томонидан халқаро байрам деб эътироф этилган.** Бу — ушбу баҳорий айёмнинг маънавий ҳаётимиздаги улкан ўрнидан далолатдир. Бу йил ҳам халқимизга хос бўлган меҳр-мурувват фазилатларини давом эттириб, нурунийларимизни ҳар томонлама эъзозлаш, «Меҳрибонлик», «Мурувват» ва «Саховат» уйларида яшаётган кишиларга, ёрдам ва кўмакка муҳтож

фуқароларга беғараз ёрдам бериш билан боғлиқ хайрия тadbирлари ўтказилади.

Наврўз сайилларининг дастурларини тайёрлашда қадимий урф-одатларимиз ва халқ ўйинлари, маданий меросимизнинг ёрқин намуналари бўлган куй ва қўшиқлар, ўлан ва лапарларга кенг ўрин берилади. Бу эса ўсиб келаётган ёш авлод қалби ва онгида миллий ўзига хослик, қадрият ва аъналаримизга нисбатан дахлдорлик ҳиссини уйғотишга хизмат қилади.

**БАЙРАМ МАҲАЛЛАЛАРДА КЕНГ НИШОНЛАНАДИ**

**Халқимизда яхши бир гап бор: «Тинч, озод ва обод юртга байрамлар ярашади!»** Худди шундай, Наврўз кунлари маҳаллалар ва кўчаларни, хиёбонлар ва боғларни ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш, уйлари саранжом-сарришта қилиш аънанага айланган. Шу боис байрам олдида маҳаллаларда умумхалқ ҳашарларини уюштириш кўзда тутилган.

Барча ҳудудларда «Маҳалла — тинчлик ва осойишталик пойдевори, аҳиллик ва ҳамжиҳатлик, маърифат ва тарбия кўргонидир» шиори остида маданий-маърифий, тарғибот тadbирлари ташкил этилади. Бунда ҳар бир маҳалланинг ўзига хос хусусиятлари, аъналарига эътибор қаратилади. Байрам кунлари йиғинларда ҳунармандчилик кўргазмалари, миллий спорт турлари бўйича мусобақалар уюштириш, китоб расталари, кўчма савдо дўконларини ташкил қилиш, кўклам таомларини тайёрлаш йўлга қўйилади.

— Наврўз байрамнинг катта шоду хуррамлик билан нишонлани-

шида катта маъно бор, — дейди пойтахтимизнинг Чилонзор туманидаги «Кичик Хирмонтепа» маҳалласи раиси Отакул Муҳаммадиев. — У боқий қадриятларимизни намоён этади, бу шодиёна орқали одамлар орасида ўзаро меҳр-оқибатни мустаҳкамлаш, бир-бирини йўқлаб, кўмаклашишдек эзгу ғоя улуғланади. Сайиллар, халқ ўйинлари одамларни бир-бирига яқинлаштиради. Дошқозонлардаги сумалак барчани ўз атрофига жамлайди. Шунинг учун бўлса керак, мазкур айём минг йиллар давомида эъзозлаб келинади, табиатимиз ва одатимиздан ажратиб бўлмайдиган, энг қадимий ва энг сеvimли, чиндан ҳам, ҳақиқий халқ байрами сифатида қадрланади.

**Айни кунларда барча маҳаллаларда байрамга катта тайёргарлик кўрилмақда.** Кўчалар, хиёбонлар ободонлаштирилиб, байрамона безатилмақда. «Яшил макон» лойиҳаси доирасида кўчат экиш ишлари кизгин паллага кирган. Маҳаллаларда ёшлар ўртасида улоқ-кўпқари, кураш, пойга, чиллак, арқон тортиш каби миллий ўйинлар ташкил этиляпти. Кекса авлод вакиллари ҳар томонлама эъзозлаш, «Меҳрибонлик», «Мурувват», «Саховат» уйларида яшаётганлар, «Темир дафтар», «Аёллар дафтари», «Ёшлар дафтари» ва «Меҳр дафтари»га киритилган ҳамда кўмакка муҳтож инсонларнинг ҳолидан хабар олиш, уларга беғараз ёрдам бериш билан боғлиқ хайрия тadbирлари давом этмоқда.

**НАВРЎЗДА НЕЧА КУН ДАМ ОЛАМИЗ?**

Наврўз байрамини юртдошларимиз ўз оилаларида, маҳаллаларида нишонлаши, Ўзбекистоннинг диққатга сазовор жойларига са-

ёҳат қилиши, умуман олганда, мароқли дам олиши, ҳардиқ чиқариши учун Президентнинг «2023 йилда расмий саналарни нишонлаш даврида кўшимча ишланмайдиган кунларни белгилаш ва дам олиш кунларини кўчириш тўғрисида»ги фармонида мувофиқ, дам олиш кунлари белгиланган.

Ҳужжатга кўра, Наврўз умумхалқ байрами муносабати билан беш кунлик иш ҳафтасида ишлайдиган ходимлар — **5 кун (18-22 март кунлари)**, олти кунлик иш ҳафтасида ишлайдиган ходимлар — **4 кун (19-22 март кунлари)** кетма-кет дам олади. Жумладан:

- ☑ 18 март (шанба) — дам олиш куну;
  - ☑ 19 март (якшанба) — дам олиш куну;
  - ☑ 20 март (душанба) — кўшимча дам олиш куну;
  - ☑ 21 март (сешанба) — Наврўз байрами куну;
  - ☑ 22 март (чоршанба) — кўшимча дам олиш куну.
- Бунда беш кунлик иш ҳафтасида ишлайдиган ходимларнинг дам олиш кунлари 11 март — шанба кунидан 20 март — душанба кунига, 25 март — шанба кунидан 22 март — чоршанба кунига кўчирилади.
- Президент фармонида асосан, «Uzbekistan Airways» АЖ, «Ўзбекистон темир йўллари» АЖга ички транспорт қатновлари учун чегирмалар бериш ва акциялар ўтказиш тавсия этилган. Шунга кўра, «Uzbekistan Airways» АЖ 2023 йилнинг 18 мартдан 22 мартгача Ўзбекистон бўйлаб амалга ошириладиган маҳаллий авиақатновларининг «эконом» ва «бизнес-класс» тарифларига 21 фоиз чегирма эълон қилди.

## КАМ ТАЪМИНЛАНГАН ОИЛАЛАРГА БОЛАЛАР НАФАҚАСИ ВА МОДДИЙ ЁРДАМ ТАЙИНЛАШ УЧУН ОНЛАЙН АРИЗА БЕРИШ ТИЗИМИ ЖОРИЙ ЭТИЛАДИ



Президент Шавкат Мирзиёев 2023 йил 23 февраль санасида «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясини «Инсонга эътибор ва сифатли таълим йили»да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида»ги фармонни имзолади. Газетамизнинг ўтган сонларида Давлат дастурининг айрим (хусусан, маҳалла тизимига оид) бандлари билан таништириб ўтгандик. Бу гал давлат хизматлари кўрсатиш соҳасида белгиланган вазифаларга тўхталиб ўтамиз.

# ДАВЛАТ ХИЗМАТЛАРИ ОРТИҚЧА ҚОҒОЗБОЗЛИКСИЗ КўРСАТИЛАДИ

### Электрон давлат хизматлари 73 фоизга етади

Ҳар биримиз ҳар куни қайсидир давлат хизматларидан фойдаланамиз. Кимдир тегишли маълумотларни олади, кимдир гувоҳномасини алмаштиради, яна биров коммунал хизматлар билан боғлиқ масалаларда мурожаат қилади. Бунда барча туманларда ташкил этилган Давлат хизматлари марказлари (ДХМ), Ягона интерактив давлат хизматлари портали (ЯИДХМ) қулайлик яратмоқда. Халқимизнинг оғирини энгил қилиш, аҳоли учун қўшимча қулайликлар яратиш ва уларнинг харажатларини тежаш мақсадида жорий йилда қатор сазъ-харажатлар амалга оширилади.

2023 йил 1 июлдан бошлаб, барча давлат органлари ва ташкилотларида «Аҳоли ва тадбиркорларга сервис сифатини ошириш» чора-тадбирлари белгиланади. Ташкилотлар масофадан туриб, шу жумладан, мобил иловалар орқали кўрсатиладиган давлат хизматларини кўпайтириш, тўловлар миқдорини камайтириш, ортиқча ҳужжатларни бекор қилиш, кўриб чиқиш муддатларини кескин қисқартириш чораларини кўради. Хизмат сифати, ходимларнинг муомала маданияти ва бошқа кўрсаткичлар махсус электрон мосламалар орқали аноним тарзда баҳолаб борилади.

### МУҲИМ ЖИҲАТ:

Ҳозирда мавжуд 770 дан ортиқ давлат хизматларидан 262 таси ДХМлар, 370 таси (50 фоиз) ЯИДХП орқали кўрсатилади. Эндиликда уларнинг кўрсаткичи 73 фоизга етказилади. Яъни ДХМлар орқали 300 тагача, ЯИДХП орқали 570 тагача давлат хизматлари кўрсатилади.

Мисол учун, никоҳланувчи шахсларнинг тиббий кўрик натижаларини тиббиёт муассасалари томонидан «ФХДЭнинг ягона электрон архиви» ахборот тизимига реал вақт режимида жойлаштириш тартиби йўлга қўйилади. Фуқароларнинг ID-картаси, хорижга чиқиш биометрик паспорти, миллий ҳайдовчилик гувоҳномаси ва харбий гувоҳномасини қайта расмийлаштириш бўйича композит давлат хизмати кўрсатиш тартиби жорий этилади.

### Ижтимоий нафақалар учун онлайн ариза берилди

Фуқаролар ва давлат идоралари ўртасидаги муносабатларда ортиқча бюрократия ҳолатларига барҳам бериш ишлари давом эттирилади. Жумладан, аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларига (ногиронлиги бўлган шахслар, оғир беморлар, кексалар ва бошқалар) миграция ва фуқароликни расмийлаштириш соҳасидаги давлат хизматлари жойига чиқиш орқали кўрсатилганда, хизмат учун қўшимча тўлов ундирилмайди. Натижада мазкур шаклдаги давлат хизматлари билан 4 млн.га яқин ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳоли қамраб олинади.

Электр, газ ва сув сарфи ҳисоблагичларини қиёслашдан ўтказиш бўйича давлат хизматларини проактив тарзда кўрсатиш (фуқаро

мурожаатини кутмасдан, хизмат кўрсатувчи ташкилотнинг ўз ташаббуси билан) таклифини юбориш йўлга қўйилади. Натижада йилга 300 мингта ариза бўйича хизматлар худди шундай тарзда кўрсатилади. Талабаларни ётоқхонага онлайн жойлашиш имкониятларини берувчи бепул электрон хизмат жорий этилади. Бунда ижтимоий ҳимояга муҳтож талабалар устувор равишда жойлаштирилади, электрон ариза бериш ва тўловларни амалга ошириш имконияти яратилади.

### МУҲИМ ЖИҲАТ:

ДХМ ва ЯИДХП орқали кам таъминланган оилаларга болалар нафақаси ва моддий ёрдам тайинлаш учун онлайн ариза бериш тизими жорий этилади.

Камида 20 та давлат хизматларини ариза берувчининг хоҳишига кўра, қўшимча тўлов эвазига тезлаштирилган тартибда кўрсатиш амалиёти жорий этилади. 1 сентябрдан бошлаб, аҳоли ва тадбиркорлик субъектларига субсидия ажратиш билан боғлиқ барча хизматлар босқичма-босқич «Аҳоли ва тадбиркорлик субъектларига субсидия ажратишнинг ягона

электрон платформа»сига ўтказилади ҳамда субсидияларни ажратишнинг мақсадга мувофиқлиги электрон платформа орқали онлайн текширилади. Масалан, 2022 йилда нодавлат боғчалар учун электрон тизим орқали субсидия ажратишга ўтиш орқали ҳар ойда 20 млрд. сўм иқтисод қилинган.

### Тиббий маълумотномалар энди қоғозда берилмайди

Фуқароларнинг пенсия таъминотини яхшилаш ва пенсионерларни қўллаб-қувватлаш мақсадида 2024 йил 1 январдан бошлаб, пенсионерга ҳисобланган, лекин ўз вақтида олинмаган пенсияни тўлаш муддати 12 ойдан 24 ойга узайтирилади. Натижада 2,4 минг нафардан ортиқ фуқарога 21,7 млрд. сўм миқдордаги пенсия тўлаб берилиши имконияти яратилади.

Ногиронликни белгилашда фуқароларга қўшимча энгиликлар яратиш мақсадида 1 апрелдан бошлаб, ногиронлик идоралараро электрон маълумотлар алмашинуви асосида ногиронлик белгилари аниқ кўриниб турган, анатомик нуқсонлари бўлган, шунингдек, нохуш клиник прогнозга эга касалликлар ва асоратларда фуқароларнинг иштирокисиз белгиланади. Натижада йилга 27 минг нафар фуқаро (25 фоиз) тиббий-ижтимоий эксперт комиссиясига бормайди ва уларга ногиронлик

сирдан тайинланади. Бунда ногиронликни белгилашда даволаш муассасаларидан касаллик тарихи кўчирмалари электрон қабул қилинади.

Вақтинча меҳнатга лаёқатсизлик варақалари ва бошқа тиббий маълумотномаларни бериш босқичма-босқич электрон шаклга ўтказилади. Бунда мазкур ҳужжатларни бериш Навоий ва Сирдарё вилоятларида — 2023 йил 1 июлдан бошлаб, Тошкент шаҳри, Тошкент ва Самарқанд вилоятларида — 2023 йил 1 октябрдан бошлаб, республиканинг бошқа ҳудудларида — 2024 йил 1 январдан бошлаб шундай шаклда тақдим этилади. 2024 йил 1 январдан бошлаб, вақтинча меҳнатга лаёқатсизлик варақалари ва бошқа тиббий маълумотномаларни қоғоз шаклда талаб қилиш тақиқланади.

2023 йил 1 июлдан бошлаб, Тошкент шаҳрида босқичма-босқич давлат тиббий суғуртаси механизмлари жорий этилади. Натижада Сирдарё вилоятида тиббий суғуртани жорий этиш бўйича ўтказилган эксперимент натижаларини инобатга олган ҳолда, ушбу тизим босқичма-босқич республиканинг бошқа ҳудудларида жорий этилади. Бунда тиббий хизматларни молиялаштириш яхшиланиши ҳисобига аҳолига кўрсатилаётган тиббий хизматлар сифати ошади.

Санжар ИСМАТОВ.

# НАТИЖАДОРЛИК

## ҲАР БИР РАҲБАР ФАОЛИЯТИГА БАҲО БЕРИШНИНГ МЕЗОНИ БЎЛИБ ҚОЛАДИ



4530

ДАН ЗИЁД МАСАЛАНИНГ 3,4 МИНГДАН ОРТИГИ ЖОЙИДА  
ҲАЛ ҚИЛИНГАН БЎЛСА, ҚОЛГАН МУАММОЛАР БЎЙИЧА «ЙЎЛ  
ХАРИТАСИ», ТУМАН, СЕКТОР ВА МАҲАЛЛА ДАРАЖАСИДАГИ  
ҲАР БИР РАҲБАР, ҲАР БИР МАСЪУЛНИНГ ҲАР ҲАФТАЛИК  
ИШ РЕЖАСИ ИШЛАБ ЧИҚИЛИБ, НАЗОРАТГА ОЛИНДИ

Президент топшириғи асосида тузилган Республика ишчи гуруҳининг Шофиркон туманидаги фаолияти эзгу ғоялар ижобати билан уйғун кечди. Туманнинг 50 та маҳалласида уйма-уй, хонадонма-хонадон ташкил қилинган сайёр қабуллар халқ билан мулоқот тизимини янги босқичга олиб чиқишда яна бир муҳим пойдевор бўлди. Бу жараёнда энг муҳим вазифа – аҳолининг дастурхони тўкинлигию рўзғори бутлигини таъминлаш, ишсиз инсонлар учун доимий иш ва барқарор даромад манбаи яратиб беришдан иборат.

Шу мақсадда «Ҳар бир оила – тадбиркор» дастури доирасида туманда 500 нафардан зиёд фуқарога 13 миллиард 400 миллион сўм имтиёзли кредит ажратилди. Мисол учун, Дилафрўз Исмоилова боқувчисини йўқотгач, оғир шароитга тушиб қолган эди. Аёл дастлаб кўзиқорин етиштириш технологиясини ўрганди, кичикроқ жойда тажриба қилиб кўрди. Сўнг унга имтиёзли кредит ажратилгач, ишлари анча ривожланиб кетди. Айни пайтда уй шароитида кўзиқорин етиштириб, даромад топаётган аёл маҳалладошлари бандлигини ҳам таъминлади.

Шу билан бирга, ҳоким ёрдамчилари тавсиялари асосида 640 нафар фуқарога 1,7 млрд. сўмлик субсидия асосида иш анжомлари олиб берилди. Хусусан, Қизилон қишлоғида яшовчи, «Аёллар дафтари»да турувчи Умида Султоновага тикув машинаси ажратилиши бу аёл оиласига кўшимча даромад эшигини очди. Умуман, жараёнда 402 нафар ишсиз инсон бандлигига кўмаклашилган бўлса, шундан 173 нафари доимий иш билан таъминланди, қарийб 1 минг

900 нафарининг ўзини ўзи банд қилишига шароит яратилди.

Йўллар таъмири, электр энергияси, ичимлик сув, суюлтирилган газ ва кўмир таъминоти каби аҳолининг энг бирламчи ҳаётий эҳтиёжлари билан боғлиқ қатор масалаларга жойида ечим топилди. Хусусан, «Доригар», «Чуқурак» каби маҳаллалардаги 60,8 км. йўллар таъмирланди. Шундан 47,3 км. тупроқ кўчалар тош йўлга айлантирилиб, 9,1 км. қисми асфальтланди, 4,4 км. йўл бетонлаштирилди. Дейлик, Доригар кўчаларининг 2,2 км. қисми таъмирланиши билан аҳолининг узоғи яқин, йўли равон бўлди.

«Жўшира», «Темирчи» сингари қишлоқ-маҳаллаларда 16 та янги трансформатор ўрнатилиб, 110 та эскирган симёғочлар бетон устунларга алмаштирилди, яна 15 та трансформатор таъмирланди. Натижада юзлаб хонадонлар ҳам, уларда яшаётган минглаб инсонлар қалби ҳам янада чароғонлашди.

«Боғи Афзал» маҳалласи Сўфиён қишлоғи аҳолиси учун интернетга уланиш катта муаммо бўлиб келаётган эди.

Ўрганишлар давомида 1,7 км. тармоқ тортилиши билан муаммо ҳал бўлди. Умуман жараёнда жами 23,6 км. оптик алоқа тармоғи тортилиб, қарийб 760 хонадон юқори тезликдаги интернет хизмати билан таъминланди. Мобиль алоқа операторлари 32 та таянч станцияни техник кўриқдан ўтказиб, қурилмаларда профилактика ишларини олиб борди.

Шофиркондаги оғир турмуш шароитига тушиб қолган хотин-қизлар ва ёшлар муаммоларини ҳал этиш, ҳудудда қурилиш-ободонлаштириш ишларини амалга ошириш учун вилоят ҳокимлиги 1,2 млрд. сўм маблағ ажратди. Бунинг ҳисобидан «Темир дафтарга» киритилган 87 та оилага, «Ёшлар дафтари»га киритилган 84 нафар ёшга турли ёрдамлар кўрсатилди. Оғир шароитдаги 463 та оилага қурилиш материаллари, чорва моллари олиб берилди.

Тиббий кўриқлар натижа-сида ҳасталик аниқланган 126 нафар киши вилоят ва туман шифоналарига ётқизилган бўлса, 13 нафар беморда юқори технологик жарроҳлик амалиётлари ўтказилди, ноги-

«Ҳар бир оила – тадбиркор» дастури доирасида туманда

500 нафардан зиёд фуқарога

13 миллиард

400 миллион сўм имтиёзли кредит ажратилди.

ронлиги бор 21 нафар инсон аравачалар ва реабилитация воситалари билан таъминланди. Жумладан, анча йилдан буён суяк емирилишидан азият чекаётган Мухайё Ярашевага даволаниш харажатлари қоплаб берилиши билан яна бир инсон, бир оиланинг катта ташвиши ариди. Шофирконлик Барчиной Акрамова ва Ёқут Аслонованинг оғир хаста турмуш ўртоқларига ҳам шундай ёрдам кўрсатилиши билан бирга, уй-жойсиз қийналиб юрган ҳар икки оила бошпана билан таъминланди.

Мухтасар айтганда, давлат раҳбари топшириғи асосида тузилган Республика ишчи гуруҳининг Шофиркондаги фаолияти давомида аниқланган 4 530 дан зиёд масаланинг 3,4 мингдан ортиғи жойида ҳал қилинган бўлса, қолган муаммолар бўйича «йўл харитаси», туман, сектор ва маҳалла даражасидаги ҳар бир раҳбар, ҳар бир масъулнинг ҳар ҳафталик иш режаси ишлаб чиқилиб, назоратга олинди. Бу борадаги вазифалар натижадорлиги эса улар фаолиятига баҳо беришда асосий мезон бўлади.

Мансур АБДУСАТТОРОВ.

МАҲАЛЛАДА НИМА ГАП?

## Ҳар бир маҳаллада кутубхона бўлиши керак



Бугунги кунда аҳоли, айниқса, ёшларда китобга қизиқиш, мутолаа маданиятини юксалтириш тобора муҳим аҳамият касб этмоқда. Давлат раҳбарининг Олий Мажлис ва халқимизга йўллаган Мурожаатномасида ҳар бир маҳаллада кутубхона ташкил этиш кераклиги таъкидланган эди.

Шу мақсадда «Маҳалла» хайрия жамоат фонди Арнасой туман бўлими томонидан «Ҳар бир маҳаллага китоб» лойиҳаси ташкил этилди. Мазкур лойиҳа доирасида Фонд маблағлари ҳисобидан туман ҳокимлиги, секторлар кўмагида маҳаллалардаги маънавият бурчаги ва кутубхоналари янги нашрлар билан бойитилмоқда.

– Маҳаллаларга топширилган китоблар ҳар бир маҳалланинг мўъжазгина кутубхонасидан ўрин олади, ундан аҳоли кенг фойдаланади, – дейди «Маҳалла» хайрия жамоат фонди Арнасой тумани бўлими раиси Бахтиёр Бобоев. – Зеро, бу адабиётлар бугун халқнинг маънавияти

юксалиши учун энг зарур манбадир. Тумандаги маҳаллаларда етказилган китоблар тўплами, ҳар бир маҳаллада ўз кутубхонасини ташкил қилиш, аҳолини китобга бўлган қизиқишини орттириш, маҳалла аҳлининг бўш вақтини мазмунли ўтказиш ва маҳаллаларнинг маънавий хазинасини янада бойитишга хизмат қилади.

Лойиҳа доирасида фонд томонидан Арнасой туманидаги «Чўлқувар», «Тинчлик», «Гулбахор», «Дўстлик», Янги бўстон», «Чинобод» ҳамда «Зарафшон» маҳалла фуқаролар йиғинларига 50 номдаги нодир китоблар тўплами ажратилди.

Мухбиримиз.

# КАСАНАЧИЛИК УЧУН 300 МИЛЛИОН СЎМГАЧА КРЕДИТ БЕРИЛАДИ



## ҲОКИМ ЁРДАМЧИЛАРИ ТАВСИЯСИ АСОСИДА ҲАР БИР КАСАНАЧИ УЧУН 2 МИЛЛИОН СЎМ, ЖАМИ 300 МИЛЛИОН СЎМГАЧА ЙИЛЛИК 14 ФОИЗ, 6 ОЙГАЧА ИМТИЁЗЛИ ДАВР БИЛАН 3 ЙИЛГАЧА КРЕДИТ АЖРАТИЛАДИ

«Одамлар маҳалланинг ўзида иш билан таъминланиши керак». Бугун ана шу мезон аҳоли бандлигини таъминлаш, маҳалланинг ижтимоий аҳамиятини оширишда муҳим ўрин тутмоқда. Бунга қўшимча равишда айтиш керакки, энди фуқаролар ўз хонадонидан чиқмаган ҳолда ишли бўлиши лозим. Касаначиликни ривожлантириш борасидаги ташаббуслар айти мақсадга хизмат қилаётир. Жорий йилнинг 23 февраль санасида соҳага оид яна бир муҳим ҳужжат қабул қилинди. «Касаначиликни янада ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Президент қарори имзоланиб, айти фаолият билан шуғулланувчиларга қатор қулайликлар яратилди. Хўш, улар нималардан иборат? Қандай имтиёз ва қулайликлар яратилди?

Солиқ имтиёзлари қандай берилади? Қарор билан иш берувчиларга ўзини ўзи банд қилган шахсларни касаначи сифатида товарлар ишлаб чиқариш, ишларни бажариш ва хизматлар кўрсатиш фаолиятига жалб қилишга рухсат берилди. Бунда касаначи сифатида жалб қилинган ўзини ўзи банд қилган шахсларга касаначилик фаолияти учун назарда тутилган имтиёзлар билан бирга, ўзини ўзи банд қилган шахслар учун белгиланган имтиёзлар қўлланилади.

Шунга кўра, ўзини ўзи банд қилган шахслар шуғулланиши мумкин бўлган фаолият (ишлар, хизматлар) турлари (19 та) рўйхати тўлдирилди. Қайта ишланган жундан кийимлар ва буюмлар тўқиш, уй шароитида лойдан тандир ясаш, атлас ва адрас тўқиш, майда мунчоқлар тикиш, дўппидўзлик, темирчилик, куроқчилик, асаларичилик, кўзиқорин териш ва сотиш, пичоқчилик, қоғоздагн қутилар тайёрлаш, иссиқхоначилик, супурги етиштириш шулар жумласидан.

Ҳужжатга асосан, 2023 йил 1 мартдан 2026 йил 1 январгача 3 ойдан кўп 30 тадан ортиқ касаначиларни жалб қилган ва касаначилик асосида ишлаб чиқарган маҳсулотлардан олган даромади жами даромадининг 60 фоизидан кўпни ташкил этган тадбиркорлар учун:

- фойда ва айланмадан олинadиган солиқнинг солиқ базаси 50 фоизга камайтирилиб ҳисобланади;
- айрим давлат мулкларидан фойдаланганлик учун ижара тўлови 50 фоиз миқдорда белгиланади;
- давлат харидлари доирасида тузиладиган шартномаларда буюртмачилар томонидан 50 фоиз олдиндан тўлов амалга оширилади.

Бунда мазкур имтиёзлар 30 нафардан ортиқ касаначи жалб қилинган даврга татбиқ этилади.

Қарорга мувофиқ, «Уста-шогирд» мактаблари ўқувчилари ижтимоий солиқни ўзини ўзи банд қилган шахслар учун белгиланган тартибда тўлайди. Кам таъминланган оилаларга болалар пули ва моддий ёрдам тайинлашда уларнинг касаначилик ёки қишлоқ хўжалигига мавсумий жалб қилинган 6 ойгача бўлган даврда олган даромадлари инобатга олинмайди.

### Субсидия қанча миқдорда ажратилади?

Президент қарори билан Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги ҳузурида юридик шахс мақомига эга бўлмаган Касаначиликни қўллаб-қувватлаш жамғармаси ташкил этилди. Вазирлиқнинг Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармаси ва Жамоат ишлари жамғармасига касаначиликни қўллаб-қувватлаш учун Давлат бюджетидан ажратилган маблағлар янги жамғармага йўналтирилади. Келгуси йилдан бу маблағлар Давлат бюджети параметрларида шакллантирилади.

2023 йил 1 мартдан жамғарма ҳисобидан:

- тадбиркорларга ҳар бир касаначиликнинг дастлабки 3 ой давомидаги фаолияти учун 1 ойлик даромади миқдорида бир марталик субсидия касаначиликни ташкил этган маҳаллалар жойлашган ҳудудидан қатъий назар ажратилади;
- тадбиркорларга куйидаги субсидиялар ажратилади:
  - 2025 йил 1 январгача касаначилик билан шуғулланаётган ишсиз ва иш қидираётган, ижтимоий дафтарларга киритилган фуқароларга асбоб-ускуналар ва хомашё харид қилиш учун — БҲМнинг 30 бараваригача (9 000 000 сўмгача);
  - касаначилик асосида уйда ишлаётган ногиронларнинг иш жойини мослаштириш учун — БҲМнинг

40 бараваригача (12 000 000 сўмгача); — касаначиларни касб-хунарга ўқитиш учун — БҲМнинг 2 бараваригача (600 000 сўмгача).

2023 йилда оилавий тадбиркорликни ривожлантириш дастурлари доирасида ажратилаётган кредитларнинг камида 500 миллиард сўми касаначилик ва хунармандчилик лойиҳаларига йўналтирилади. Ҳоким ёрдамчилари тавсияси асосида тадбиркорларга айланма маблағларини тўлдирish учун:

- ҳар бир касаначига 2 миллион сўмгача, жами 300 миллион сўмгача йиллик 14 фоиз, 6 ойгача имтиёзли давр билан 3 йилгача кредит ажратилади;
- жамғарма ҳисобидан ҳар бир касаначи учун 1 миллион сўмгача, жами 150 миллион сўмгача 2 йилгача муддатга фоизсиз ссуда берилади.

Мазкур кредит ва ссудалар тадбиркорлар талабига биноан, касаначиларнинг пластик картасига ўтказиб берилиши мумкин.

2023 йил 1 июнгача давлат улуши мавжуд савдо мажмуалари ва деҳқон бозорларида хунармандчилик ва касаначилик расталари ташкил этилади.

Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлигининг биринчи ўринбосарига маҳаллаларда касаначиликни ташкил этиш ва ривожлантириш орқали маҳсулот ишлаб чиқариш, хизматлар кўрсатиш кўламини кенгайтириш, маҳаллаларда ишсиз фуқароларни касаначиликка жалб қилиш бўйича рағбатлантирувчи тизим жорий этиш, маҳсулотларнинг кооперация усулида, шу жумладан, онлайн савдо платформалари орқали сотилишига тизимли кўмаклашиш бўйича қўшимча вазифалар юкланди. Жорий йилда касаначилик асосида аҳоли бандлигини таъминлаш бўйича ойма-ой маҳаллалар кесимида мақсадли кўрсаткичлар тасдиқланади.

Умуман олганда, Президент қарори тармоқ ривожига муҳим аҳамият касб этади. Зеро, ҳужжатда белгиланган вазифалар ҳар икки томон — ҳам иш берувчи, ҳам касаначи манфаатдорлигини оширади. Қолаверса, маҳаллаларда айти соҳанинг оммавийлигини ошириб, уй меҳнати орқали даромад топиш, имтиёзларга эга бўлиш, алал-оқибат, оиласига барака киритишига хизмат қилади.

Санжар ИСМАТОВ.

# ҲОКИМНИ ХАЛҚ ТЕРГАБ ТУРИШИ КЕРАК... (МИ?)



**ЯХШИ РАҲБАР БЎЛИШНИ ҲАММА ИСТАЙДИ, АММО РАҲБАРНИНГ ЯХШИ БЎЛИШИ УЧУН УНИ ХАЛҚ ТЕРГАБ ТУРИШИ ЛОЗИМ. ДЕМАК, БИЗГА ЯХШИ ҲОКИМЛАР ЭМАС, БИЗГА ИСТАЛГАН РАҲБАРНИ ТИЙИБ ТУРАДИГАН ТИЗИМ КЕРАК**

Айни кунларда Олий Мажлис Қонунчилик палатасида «Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Конституциявий қонун лойиҳасини такомиллаштириш бўйича амалга оширилган ишлар кўриб чиқилмоқда. Этиборлиси, қонун билан ҳокимлар бир вақтнинг ўзида маҳаллий Кенгашларга бошчилик қилиши чекланмоқда.

**Ҳокимлар ваколати қисқариши керак**

Айтиш керакки, аввалги муҳокамаларда Конституциявий қонун лойиҳасидан ҳокимларнинг халқ депутатлари Кенгашларига бошчилик қилишни назарда тутувчи қоида чиқариб ташланган эди. Бироқ жамоатчилик томонидан берилган таклифларда бундай ўзгаришнинг ўзи етарли эмаслиги, яъни ҳокимлар Кенгашларда раҳбар бўла олмаслиги аниқ кўрсатилиши кераклиги билдирилган эди. Шунга мувофиқ, «**ҳоким лавозимини эгаллаб турган шахс бир вақтнинг ўзида тегишли халқ депутатлари Кенгашининг раиси лавозимини эгаллаши мумкин эмас**» деган қатъий норма ўрнатилмоқда.

Аслида, айни ҳолат кўпдан бери муҳокамалар марказида бўлиб келади. Кимдир ҳокимларга ҳаддан ортиқ ваколатлар берилган деса, кимдир маҳаллий Кенгашларнинг роли умуман сезилмаётганини айтади. Тан олиш керак, бугун халқ вакили бўлиб сайланган маҳаллий Кенгашлар депутатлари ҳамон халқ ишончини қозона олгани йўқ. Сайловчилар ҳали-ҳануз депутат деганда, **сайловлар вақтида ваъда бериб, кейин йўқ бўлиб қоладиган шахсларни** тушунишади.

Афсуски, маҳаллий Кенгаш депутатлари ўз ҳақ-хуқуқлари ва мажбуриятларини тўла англаб етмаётир. Чунки бугун сессияларда иштирок этаётган депутатлар ҳокимга Кенгашни бошқараётган депутат, кенгаш раиси сифатида эмас, ўзи бўйсунадиган ижро ҳокимияти раҳбари, дея қа-

рамоқда. Шу вақтгача бўлиб ўтган сессияларда кўпи билан 1-2 депутатнинг Кенгаш раиси ёки бирор сектор раҳбари кўзига тик боқиб савол берганини айтмаса, қолганлари фақатгина дакки эшитиш учун турғазилганда, ерга қарашни қойиллатишади, холос.

Очиғи, ижро органи раҳбари бўлган ҳокимларнинг маҳаллий парламент вазифасини бажарувчи Кенгашларга сайланиши ҳамда **ўз-ўзига ҳисобдор, назоратчи бўлиб қолаётгани** давлат бошқаруви соҳасида ҳал қилиниши лозим бўлган масала бўлиб қолмоқда. Афсуски, яккаҳокимликка ўрганган ва жамоатчилик назоратини, танқидини қабул қилолмайдиган ҳокимлар томонидан Кенгашнинг эркин фаолият юритиши ва депутатларнинг бемалол фикр билдириш имконияти иложи борича чекланади. **Ўз-ўзидан депутатлар ҳам «сен менга тегма, мен сенга тегмайман»** муҳитига мослашиб қолади.

Демак, *Кенгаш фаолиятига қандайдир ижобий ўзгариш киритиш учун ҳокимлар ваколатини қисқартириш, уларнинг Кенгашга раҳбарлик амалиётини бекор қилиш фурсати етди. Қолаверса, ҳокимларнинг депутатликка сайланишига чек қўйиш лозим. Шундагина ижро ҳокимиятидан ҳоли Кенгаш мустақил равишда муаммоларни таҳлил қилиши, оз бўлса-да, халқнинг дардига малҳам бўлиши мумкин. Кенгаш раислигига келадиган бўлса, қайси партия ўша ҳудудда кўп депутатлик ўрнига эга бўлса, ўша партия вакили раислик қилиши даркор. Шундагина партиялар ўртасида чинакам сиёсий рақобат вужудга келади.*

**Ҳокимга ишончсизлик билдириш мумкинми?**

Фақат юқоридаги вазият эмас, ҳозирда ҳокимлар фаолияти билан боғлиқ яна бир институт ҳақида муҳокамалар кетяпти. Яъни «Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Конституциявий қонун лойиҳасига **ҳокимларга ва Кенгашга ҳисобот берувчи шахсларга ишончсизлик вотумини билдириш** юзасидан таклиф киритилмоқда.

**Бу нима дегани?** Ишончсизлик вотуми — парламент бошқарув тизими амалда бўлган давлатлар амалиётида қоида тариқасида ҳуқумат ёки айрим вазирнинг сиёсий йўли, муайян тадбири ёки қонун лойиҳасининг қуйи палата томонидан номаъқул топилишидир. Мисол учун, АҚШнинг Орегон штатидан ташқари барча штатларида штатнинг қонун чиқарувчи органи губернаторни импичмент қилиш ҳуқуқига эга. Бундай амалиёт, ҳатто қўшни Қозоғистон Республикасида ҳам бор. Маслаҳат органи (вакилик органи номи) депутатлари умумий сонининг камида бешдан бир қисмининг ташаббуси билан ҳокимга ишончсизлик вотуми билдириш масаласини қўйиши мумкин. Қирғизистон, Грузия давлатлари қонунчиликда ҳам бундай нормалар мавжуд.

Аслида, Ўзбекистон қонунчилигида ишончсизлик вотуми институти киритилган. Парламент Бош вазирга нисбатан ишончсизлик вотуми қабул қилиши мумкин. Бунда Қонунчилик палатаси депутатлари ва Сенат аъзолари умумий сонининг камида учдан икки

қисми овоз берган тақдирда, бу амалга ошади. Бироқ маҳаллий ижроия ҳокимияти органлари раҳбарлари, яъни ҳокимларга нисбатан у ёки бу вакилик органи ёки ташкилот томонидан ишончсизлик вотумини билдириш бўйича нормалар ҳали мавжуд эмас.

Кўринадики, Ўзбекистонда бундай амалиётга эҳтиёж бор, албатта. Чунки ҳокимлар фаолияти устидан маҳаллий вакилик органлари томонидан етарлича назорат ўрнатилмагани, ҳоким қарорларни қабул қилиши жараёнларининг мураккаблиги, очиқлиги таъминланмагани ҳамда ушбу соҳага АКТ жорий этилмагани жойларда юзага келаётган муаммоларни ўз вақтида ва самарали ҳал қилишга тўсқинлик қилмоқда. Шу боис ҳар йили юзлаб маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг юзлаб қарорлари бекор қилинади, суд томонидан ҳақиқий эмас, деб топилади.

Демак, *маҳаллий Кенгашларнинг том маънода халқ вакиллари сифатида ижро органи фаолиятига ҳуқуқий баҳо беришининг қонуний асосларини яратиш вақти аллақачон келган. Шу маънода ҳокимларга ва Кенгашга ҳисобот берувчи шахсларга ишончсизлик вотумини билдириш юзасидан Конституциявий қонун лойиҳасига тегишли ўзгариш ва қўшимчалар киритиш мақсадга мувофиқ. Бу депутатлар ва маҳаллий Кенгашларнинг ҳуқуқий мақоми ҳамда ваколатлари ошишига хизмат қилади. Ижро ва вакилик органларининг бир-бирини тийиб туриш ва ҳокимиятлар бўлинишининг ҳуқуқий асослари таъминланади.*

**Хулоса қилиб айтганда, яхши раҳбар бўлиши ҳамма истайди, аммо раҳбарнинг яхши бўлиши учун уни халқ тергаб туриши лозим. Йўқса, ким ҳокимликка келса-да, ўзини хондек тутаверади. Демак, бизга яхши ҳокимлар эмас, бизга исталган раҳбарни тийиб турадиган тизим керак. Бу беш-олти йилдан буён айтилаётган, бироқ ҳали амалга оширилмаган ҳокимларни сайлаш, уларга ишончсизлик билдириш, Кенгаш раислигидан четлатиш тизимига ўтиш вақти аллақачон келганидан далолатдир.**

Санжар ИСМАТОВ.



Бугун «Обод қишлоқ» ва «Обод маҳалла» дастурлари доирасида маҳаллалар ўзгача қиёфа касб этмоқда. Жумладан, Миробод туманидаги «Юксалиш» маҳалла фуқаролар йиғинида «Обод маҳалла» дастури доирасида бир қанча ишлар амалга оширилиб, маҳалла кўчаларига ўзгача файз кириб келди.



## «ОДАМЛАР ҚАЛБИДАГИ МАМНУНИЯТ БАРЧАМИЗГА ШИЖОАТ БЕРАДИ»

Айтиш керакки, йиғин ҳудудидан ўтган катта йўл четлари ободонлаштирилиб, 500 метр узунликда пиёдалар ва велосипед йўлакчалари ётқизилди. Маҳалланинг техник носоз, талабга жавоб бермайдиган ички йўллари 2 минг кв. метри асфальтланди. «Яшил макон» лойиҳаси доирасида маҳалла кўчалари, катта йўл ёқалари, уйлар олдида 750 туп манзарали ва мевали дарахт кўчатлари ўтқазилди. Уларни суғориш тизимлари йўлга қўйилиб, қуриб қолишининг олди олинди. Энди бу дарахт кўчатлари сархил ҳосил бериш билан бир қаторда, маҳалла инфратузилмаси яхшиланишига ва кўчаларнинг кўрқига кўрк қўшмоқда.

— Йиғинда истиқомат қилувчи ҳар бир фуқаронинг муаммоси — бизнинг муаммомиз саналади, — дейди маҳалладаги ҳоким ёрдамчиси Бунёд Юнусов. — Бизни йўқлаб келаётган аҳолининг кўксидан итармасдан, уларга қўлимиздан келганча ёрдам беришга, муаммосини ҳал қилишга ҳаракат қиламиз. Бугун кўплаб моддий ёрдамга муҳтож, ишсиз фуқароларнинг бандлигини таъминлаб, ҳаётдаги ўрнини топишига кўмаклашмоқдамиз. Уларнинг кўзидаги мамнунлик, ортимиздан қилаётган дуолари, бизни янада шижоат билан ишлашимизга туртки бўлмоқда. Улар ҳеч бир қийинчилик кўрмай бекам-кўст яшасагина бизга билдирилган ишончни оқлаган бўламиз. Дарҳақиқат, ҳоким ёрдамчиси

томонидан ишсиз, тадбиркорлик қилиш истагида бўлганларга ўзини ўзи банд қилиши, кредитлар эвазига тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйишига кўмаклашилди. Ўқиш истагида бўлган 106 нафар ёш ҳудуддаги мономарказда касб-хунарга ўқитилиб, бандлиги таъминланди. Бунинг орқасидан улар ўзини ўзи банд қилиб, оиласи даромадига кўшимча даромад киритмоқда. Мисол учун, ҳоким ёрдамчиси кўмаги билан Дилдор Умарова 109 миллион сўм имтиёзли кредит эвазига ўз уйида тикувчилик хизматини йўлга қўйди. Тоҳиржон Анваров имтиёзли 33 миллион сўм кредит эвазига асбоб-ускуналар олиб, маҳалла ҳудудда автомобилларга техник хизмат кўрсатиш фаолиятини йўлга қўйиш орқали мўмайгина даромад топяпти.

Бундан ташқари, «Аёллар дафтари» ва «Ёшлар дафтари»га киритилганларнинг бандлигини таъминлаш, уларни муайян касбга йўналтириш бўйича самарали ишлар амалга ошириляпти. Хусусан, «Ёшлар дафтари»даги ўқиш истагида бўлган ёшларнинг 3 нафари қизиқиши бўйича бепул ўқитилиб, бандлиги таъминланди. Оиласи моддий томонлама қийналиб турган 3 нафар талабанинг контракт пуллари тўлаб берилди. Моддий жиҳатдан кўмакка муҳтож оилаларнинг фарзандларига ҳарбий сафарбарлик қақирув харажатлари қоплаб берилди.

«Аёллар дафтари»даги 95

нафар хотин-қизнинг 17 нафари ишсиз бўлиб, уларнинг 7 нафари доимий ҳақ тўланадиган ишга жойлаштирилди. Қолган 10 нафари ўзини ўзи банд қилган. Маҳалла раиси ташаббуси билан моддий кўмакка муҳтож, оилавий аҳволи оғир, кам таъминланган 4 нафар фуқаронинг таъмирталаб аҳволга келиб қолган уйлари пардоздан чиқарилди.

— Кўришда муаммолар борлиги, мунтазам даволаниб турганим учун рўзғордан орттириб, уйимизни таъмирлашга имконимиз бўлмаган, — дейди Зоҳида Шомуродова. — Маҳалла раисининг ташаббуси билан уйимиз таъмирланди. «Одамнинг қандайлигини, кимлигини бошинга иш тушганда биласан», деганларидек, маҳалла фаолларининг қанчалар жонкуярлигини англадим. Қийналиб турган одамга игнадек бўлган ёрдам тоғдек бўлиб кўринади. Мана шундай вазиятда елкама-елка туриб, бизни қўллаб турганидан, эътибордан четда қолганимиздан хурсандимиз.

Умуман олганда, бугун «Юксалиш»да йўллар, кўчалар бундан икки-уч йил олдинги ҳолатидан тамомила ўзгача. Қолаверса, аҳоли маҳалла раиси, ҳоким ёрдамчиси, хотин-қизлар фаоли, ёшлар етакчиси фаолиятдан мамнун. Улар яратётган имкониятлар қайсидир маънода йиғинда яшовчи ҳар бир фуқаронинг ҳаётда ўз ўрнини топиб кетиши учун замин яратмоқда.

Мансурбек ЖАББОРОВ.

**БУГУН «ЮКСАЛИШ»ДА ЙЎЛЛАР РАВОН, КЎЧАЛАР БУНДАН ИККИ-УЧ ЙИЛ ОЛДИНГИ ҲОЛАТДАН ТАМОМИЛА ЎЗГАЧА. АҲОЛИ МАҲАЛЛА РАИСИ, ҲОКИМ ЁРДАМЧИСИ, ХОТИН-ҚИЗЛАР ФАОЛИ, ЁШЛАР ЕТАКЧИСИ ФАОЛИЯТИДАН МАМНУН**

МАҲАЛЛАДА НИМА ГАП?

## Олис овуллар газсиз қолмайди



Учкудук тумани — Навоий вилоятининг энг олис ҳудудларидан бири. Бугунги кунда бу ерда 9 710 та суюлтирилган газ истеъмолчилари мавжуд бўлиб, 6 763 нафарига суюлтирилган газ газолдер қурилмаси, 2 947 нафарига газ баллонлари орқали етказиб берилади.

Аҳоли хонадонлари ҳар ойда тасдиқланган жавдал асосида суюлтирилган газ билан таъминланиб, 2022 йил давомида газолдер қурилмаси орқали қарийб 1 492,5 тонна, газ баллонлар орқали 375,1 тонна суюлтирилган газ истеъмолчиларга етказиб берилган.

Кокаяз ва Узунқудуқ овуллари туман марказидан 170-200 километр узокликда жойлашган. Кокаяз овулида 14 та аҳоли хонадони мавжуд, Узунқудуқда эса 128 та суюлтирилган газ истеъмолчиси бор. Уларнинг барчаси суюлти-

рилган газдан фойдаланади.

— Овулимизда кам сонли аҳоли истиқомат қилади, — дейди Кокаяз овул фуқаролар йиғинида яшовчи Гулмира Искандерова. — Шунга қарамай, суюлтирилган газ етказиб беришда бирор муаммо бўлгани йўқ. Овулимиз туман марказидан анча олисда жойлашган бўлса-да, ҳар 30-35 кунда газ баллонлари етказиб берилляпти. Қишнинг совуқ кунларида ҳам газдан узлиши бўлмади.

Туманда айни кунларда жадвал асосида истеъмолчиларга суюлтирилган газ етказиб бериш ишлари давом этмоқда.

# «АҲОЛИ ИШЛИ, ЁШЛАР ҲУНАРЛИ БЎЛЯПТИ»

Бугун мамлакатимизда маҳалла тизими жамиятнинг бир бўлаги сифатида барча соҳаларда ривожланиш ва тараққиётга хизмат қилмоқда. «Ҳаракатлар стратегиясидан — Тараққиёт стратегияси сари» тамойилига асосан ишлаб чиқилган 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси ва уни «Инсон қадрини улуғлаш ва фаол маҳалла йили»да амалга оширишга оид Давлат дастурига асосан, Ховос туманида жойлашган «Қайирма» маҳалла фуқаролар йиғинида қатор амалий ишлар бажарилди.

# 765

та хонадонда 4 505 нафар аҳоли истиқомат қилувчи маҳалламизда

2022 йилда фаоллар билан биргаликда хонадонлар хатловдан ўтказилди. Ўрганиш жараёнида «Темир дафтар»га 1 та оила, «Аёллар дафтари»га 3-босқичда 51 нафар, «Ёшлар дафтари»га 26 нафар фуқаро киритилди. Шакллантирилган рўйхат асосида 18 нафар фуқарога 0,5 гектардан ер майдони узоқ муддатга фойдаланиш учун ижарага берилди. Уй-жойи таъмирга муҳтож бўлган 7 нафар фуқарога қурилиш материаллари етказилди.

Маҳалламиздаги 38 та талабгорга 1 350 млн. сўм кредит маблағлари олишга кўмаклашилди. Натижада 2 та хонадонда тикувчилик цехи ташкил қилиниб, ҳар бири 20 нафардан жами 40 нафар хотин-қиз касб-ҳунар ва ишли бўлди. «Бир нуруний ўн нафар ёшга масъул» лойиҳасига кўра, кўпни кўрган, бой ҳаётий тажрибага эга 4 нафар нурунийга 10 нафардан ёшлар бириктирилди. Уйма-уй ўрганишлар давомида аниқланган 12 та эҳтиёжманд ва камбағал оилаларга моддий ва маънавий кўмак кўрсатилди.

Шунингдек, маҳаллада аҳоли даромадини оширишда томорқадан самарали фойдаланишга алоҳида эътибор берилди. 2022 йил давомида хонадонлардаги 123 гектар томорқа ер майдонларидан самарали фойдаланиш натижасида дастурхонлар тўкин-

**2022 йил давомида МАҲАЛЛА ИНФРАТУЗИЛМАСИНИ ЯХШИЛАШГА ҚАРАТИЛГАН ТАДБИРЛАРГА АСОСАН, БОҒИСТОН КЎЧАСИ ОБОДОНЛАШТИРИЛДИ. ЖУМЛАДАН, 630 МЕТР МАСОФА БЕТОНЛАНДИ, 27 ТА ЭСКИ СИМЁҒОЧЛАР ЯНГИСИГА АЛМАШТИРИЛИБ, 15 ТА ТУНГИ ЁРИТКИЧ ЎРНАТИЛДИ**

Мақсадимиз — одамлар ҳаётдан рози бўлиши учун мавжуд муаммоларга тезкор, самарали ва ҳаётий ечим топиш, ҳар бир маҳалладошимиз ижобий ўзгаришларни ўз тақдирида кўришига эришишдан иборат.

лиги таъминланган бўлса, бу орқали хонадон эгаларининг ишли бўлишига замин ҳозирланди. Бу йўналишда маҳалла барча ёрдамларни бериб келмоқда. Масалан, сув тақчиллигининг олдини олиш мақсадида Равнақ кўчасидаги хонадонларга субсидия асосида қудуқ қазиб берилиб, сув насоси ва керакли жиҳозлар келтирилди.

Қурилиш, ободонлаштириш ишлари натижасида маҳалламиз қиёфаси мутлақо ўзгариб бормоқда. 2022 йил давомида маҳалла инфратузилмасини яхшилашга қаратилган тадбирларга асосан, Боғистон кўчаси обод қилинди. Қўшимча 630 метр масофа бетонланди, 27 та эски симёғочлар янғисига алмаштирилиб, 15 та тунги ёриткич ўрнатилди. Узумзор,

Қомус, Қайирма, Тараннум кўчаларидаги 3 300 метрли тупроқли кўча маҳаллий бюджет, Боғибустон кўчасидаги 800 метр йўл аҳоли маблағи ҳисобидан шағалланди.

«Аёллар дафтари» рўйхатига киритилган 17 нафар хотин-қизга пул маблағлари ажратилди. 44 нафарининг бандлиги таъминланди. Шунингдек, 2 нафари ички туризм дастури доирасида саёҳатга юборилган бўлса, 6 нафарига ҳуқуқий, 4 нафарига психологик ёрдам кўрсатилди. Ўтган йилда жами 9 нафар «Аёллар дафтари»даги ва ишсиз фуқарога имтиёзли кредит олишда амалий ёрдам кўрсатилди. 8 нафарига субсидия асосида тикув машиналари берилди, 21 нафар хотин-қиз ўзини ўзи банд қилди.

2023 йилда режага кўра ишлар давом этади. Маҳалла аҳолисининг турмуш шароитини яхшилашга эътибор қаратамиз. Жумладан, барча хонадонлардаги томорқаларда баҳорги ишлар бошланиб кетди. 75-80 тонна уруғлик картошка захираси яратилиб, ерга қадаш ишлари олиб бориламоқда.

Мақсадимиз — одамлар ҳаётдан рози бўлиши учун мавжуд муаммоларга тезкор, самарали ва ҳаётий ечим топиш, ҳар бир маҳалладошимиз ижобий ўзгаришларни ўз тақдирида кўришига эришишдан иборат.

Улуғбек  
ХОЖАМУРОДОВ,  
Ховос туманидаги  
«Қайирма» маҳалла  
фуқаролар йиғини раиси.

МАҲАЛЛАДА НИМА ГАП?

## «Маҳаллада 20 минг янги иш ўрни яратилади»



Маҳаллаларда ишсизликни бартараф этиш — энг муҳим вазифалар сирасидан. Бунда кичик тадбиркорлик субъектлари ташкил этилиши янги иш ўринлари яратишнинг муҳим омилдир. Айниқса, қишлоқ ҳудудларида кичик саноат зоналарининг ишга туширилиши нафақат бир маҳалла, балки бутун бир туманда ишсизликни батараф этишда қўл келмоқда.

Чортоқ туманидаги «Айқирон» маҳалласи ҳудудида 106 гектар самарасиз адир ерларида тўқимачиликка ихтисослашган кичик саноат зонаси ташкил этилмоқда. Дастлабки ҳисоб-китобларга кўра, 70 гектарга жойлаштирилаётган 224,4 млн. долларлик 22 та лойиҳани амалга оширилиши натижасида 7 160 та иш ўрни яратилади.

Йилига 174,4 млн. долларлик сифатли текстиль маҳсулотларини экспортга йўналтириш кўзда тутилган бўлса, кейинги босқичда яна 250 млн. долларлик 50 та лойиҳа доирасида 12 300 та иш ўрни яратилади. Ушбу лойиҳаларни тўлиқ ишга туширилиши натижасида жами 20 мингдан ортиқ иш ўрни пайдо бўлади.

Шунингдек, манзилли дастур асосида 7 гектар майдонга тикувчилик, мевани қайта ишлаш, мебель, қурилиш материаллари ва бошқа саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш йўналишидаги умумий қиймати 88,3 млрд. сўмлик 39 та истиқболли янги лойиҳалар ишга туширилиши режалаштирилган. Бу эса яна 732 та янги иш ўрни, деганидир.

Энг қувонарлиси, яратилган янги иш ўринлари нафақат маҳалла аҳолисини, балки бутун тумандаги ишсизларни бандлигини таъминлаш имконини беради.

Собиржон БОЛТАБОВ,  
Чортоқ туманидаги «Айқирон»  
маҳалла фуқаролар йиғини раиси.



## «КЕЧА УЛГУРМАЙ ҚОЛИБ КЕТГАН БИРОР-БИР ФУҚАРОНИНГ МУАММОСИ БАРТАРАФ ЭТИЛМАСА, УНГА ЯНА БИРИ ҚЎШИЛИШИ МУМКИН. ШУНИНГ УЧУН ҲАР КУН ЭРТАЛАБДАН ҲАМКАСБЛАРИМ БИЛАН КЕЧАГИ АДО ЭТИЛГАН ИШЛАР ВА ҚОЛИБ КЕТГАН МУАММОЛАРНИ МУҲОКАМА ҚИЛИБ, ЕЧИМИНИ ТОПАМИЗ»

# «ҲАР КУНИ АНИҚ РЕЖА ТУЗМАСАНГИЗ, БАРЧА ИШГА УЛГУРМАЙСИЗ»

Ислохотлар натижалари, бўлаётган ўзгаришлар ва аҳолининг кайфияти, аввало, маҳаллада сезилади. Шу маънода маҳалла — жамият барометри, дейиш мумкин. Қайсики, маҳаллада ташаббускорлик, ахиллик бўлса, ўша ҳудуд обод ва кўркамлашади, одамлар ҳаётдан рози бўлади. Избоскан туманидаги «Қораянтоқ» маҳалласи ана шундай сифатларга муносиб. Фикрларимиз исботини эришган натижаларимиздан кўриш мумкин.

Маҳаллада иш кўлами шу қадар кўпки, агар режалаб олмасангиз, барчасига улгурмасангиз аниқ. Масалан, ўзимнинг ҳар кунлик режам бор. Эртанги режани бир кун аввал тузиб оламан. Кун аввалида фаолиятимни кеча бажара олманган ишимни якунлашдан бошлайман. Ўзингиз ўйлаб, мулоҳаза қилиб кўринг, кеча улгурмай қолиб кетган бирор-бир фуқаронинг муаммоси бартараф этилмаса, унга яна бири қўшилиши мумкин. Шунинг учун ҳар кун эрталабдан ҳамкасбларим билан кечаги адо этилган ишлар ва қолиб кетган муаммоларни муҳокама қилиб, ечимини топамиз.

Туманнинг чекка ҳудудида жойлашган бўлса-да, марказ маҳаллаларидан қолишмайдиган шарт-шароитларга эгамиз. 2018 йилда маҳалламиз «Обод қишлоқ» дастури асосида янада кўркамлашди, ўзгача чирой очди. 12 км. йўл тўлиқ шағалланди, 140 та таянч устун ўрнатилди. Хусусий боғча, ҳаммом, маҳалла гузари қурилди. Ҳозирда маҳалламизда истиқомат қилаётган 776 та хонадондаги жами 4 378 нафар аҳолининг хурсандчилигини чеки йўқ. Энг аҳамиятлиси, қурилишлар асносида маҳалланинг инфра-тузилмаси ўзгарди. Тадбиркор маҳалладошларнинг шижоати билан маиший хизмат, озиқ-овқат, чеварчилик каби кўплаб соҳалар ривожланиши аҳоли учун қулай шартлар яратмоқда.

Ўз навбатида маҳалладошларимиз орасидаги кам таъминланган, эҳтиёжманд оилаларга моддий-маънавий ёрдам бериб боряпмиз. Бунинг учун «бешлик» ёрдамида ҳар бир хонадон хатловдан ўтказилди. Шу асосида кам таъминланган, иш жойи ва маълум даромадга эга бўлмаган, боқувчисини йўқотган фуқаролар «Темир дафтар», «Аёллар дафтари», «Ёшлар дафтари»га рўйхатга

олинди. «Темир дафтар»га 85 та оила рўйхатга киритилганди. Ҳозирда 2 тагина қолди. Маҳаллий тадбиркорлар ҳомийлигида 38 та оилаларга субсидия асосида 1 сотихли иссиқхоналар қуриб берилди. 8 та хонадонга 2 бошдан эчки, 5 та хонадонга 150 дона «Бройлер» жўжалари тарқатилди. Рўйхатдаги фуқароларни ишга жойлашиши, соғликларини тиклаб олишлари учун яқиндан кўмак берилди.

«Аёллар дафтари»даги 65 нафар хотин-қизнинг 40 нафарига 10 сотихдан ер бердик. Л.Ақбарова, Ш.Маматова, Н.Аҳмедова, Ш.Уматалиева, Н.Абдуллаева, М.Низомиддинова, М.Арслонова, М.Солиевалар 5 миллион сўмдан 33 миллион сўмгача имтиёзли кредит олиб, тадбиркорликнинг турли йўналишларида фаолиятларини йўлга қўйдилар. Яна 38 нафар рўйхатдаги хотин-қизлар ишга жойлаштирилди.

«Ёшлар дафтари»даги 45 нафар ёшнинг 3 нафарига кредит берилди. Қундузой Ёркинованинг фарзандини даволатиш учун маблағ ажратилди. 28 нафарига ҳудудларда фаолият кўрсатаётган фермер хўжаликларидан 15 сотихдан деҳқончилик қилишлари учун ер ажратиб берилди. Ҳозирги кунга келиб, «Темир дафтар», «Аёллар дафтари», «Ёшлар дафтари»лари учун аҳолини қайта хатловдан ўтказиш ишлари амалга оширилмоқда. Уйма-уй юриб, рўйхат шакллантириляпти.

Бир сўз билан айтганда, аҳоли розилиги йўлида доимий изланишдамиз. Муҳими, аниқланган муаммоларга маҳалланинг ўзида ечим топиляпти.

**Мархабо МЎМИНОВА,**  
Избоскан туманидаги «Қораянтоқ» маҳалла фуқаролар йиғини раиси,  
«Обод ва хавфсиз маҳалла» кўрик-танлови ғолиби.



МАҲАЛЛАДА НИМА ГАП?

## Сурхон эли кўкламга пешвоз чиқди

Жорий йилги «Яшил макон» умуммиллий лойиҳаси доирасида Денов туманида 800 минг тупга яқин кўчат экиш мўлжалланмоқда. Кўкламнинг илк кунларидан кўчат ўтқазигча уюшқоқлик билан киришилди.

Тумандаги 500 дан ортиқ ташкилот, корхона ва муассасалар ходимлари, 300 дан зиёд фермер хўжаликлари ишчилари йўл бўйлари, бўш турган ерлар, муассаса, корхона ва идоралар ҳудудларига тут, арча, каштан, олма, гилос сингари мевали ва манзарали дарахт кўчатларини қадамоқда.

— Баҳорнинг бошланиши, айниқса, қишлоқ одамлари учун энг масъулиятли палла, — дейди «Чоргул» маҳалласи раиси Ўткир Тошбоев. — Буни чуқур ҳис этган фермерларимиз ғалла майдонларини парваришlashга ҳозирлик кўрмоқда. Ёғин-сочинсиз кунларда оби-тобига келган пахта майдонларини чигит экишга тайёрлаётир. Томорқаларда етиштирилган эртаки озиқ-овқат маҳсулотлари йиғиб олинмоқда. Ўтган йили маҳалламиз «Обод маҳалла» дастури доирасида қиёфасини тубдан ўзгартирди. Кенг,

равон йўллар бунёд этилди. Электр тармоқлари янгиланди. Ичимлик сув таъминоти яхшиланди. Уй-жойлар таъмирланди. Маҳаллада юз берган бу янгиланишлар одамларимиз қалбида меҳнатга бўлган муносабатни тубдан ўзгартирди. Айни кунларда халқимиз дала юмушларини бажариш билан бирга, экин майдонларининг четлари, кенг, текис йўллар бўйлари ва томорқалари атрофига турли дарахт кўчатларини экмоқда. Наврўзни маҳалла ҳудудини яшил бойликларга буржаб, қарши олишга тайёргарлик кўрмоқда.

Вилоятнинг кўклам нисбатан эрта сеп ёзадиган Термиз, Бойсун, Жаркўрғон, Музработ, Ангор каби туманларида далаларда агротехник тадбирлар, пахта майдонларини чигит экишга тайёрлаш ишлари уюшқоқлик билан бошланди. Маҳаллаларнинг кўча ва хиёбонларига дарахт ўтқазиш жараёнига киришилди.





### ЯНГИ ТАЖРИБА:

# «МАҲАЛЛА САРДОР»ЛАРИ ИШ БОШЛАДИ

Томорқачиликнинг ривожланиши одамларнинг яхши турмуш кечириши, қўшимча даромад олиши, озик-овқат мўл-кўлчилигига эришиш, оилаларнинг моддий таъминотини яхшилаш ва аҳоли бандлигини таъминлашда катта аҳамият касб этади. Агар ҳар бир оила ўз томорқасидан унумли фойдаланса, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари билан ўзини ўзи тўла таъминлайди.

Натижада уни бозордан сотиб олишга кетадиган маблағни бошқа эҳтиёжларига ишлатиш мумкин. Қолаверса, ўз эҳтиёжидан ортиб қолган маҳсулотни бозорга чиқарган оиланинг моддий аҳволи янада яхшиланади. Бу борада Сирдарё вилояти маҳаллаларида йўлга қўйилган илғор тажрибалар бугун мамлакат миқёсида оммалашмоқда.

Маҳаллаларда томорқачиликни ривожлантириш орқали ишсизликни олди олинмоқда. Масалан, ўтган йили аҳоли томорқаларига жами **32,9 минг гектар** эртаки, такрорий ва тўқсонбости экинлари экилган бўлиб, аҳоли томорқаларидан самарали фойдаланишга эришилди. Кувонарлиси, ўтган йилги ютуқлар асосида вилоятдаги ҳар бир маҳаллада томорқачилик йўналишида бир нафардан «Маҳалла сардори» тайинланди.

Хўш, «Маҳалла сардори» – ким ва унинг вазифалари нималардан иборат бўлади?

Мутасаддиларнинг таъкидлашича, шахсий томорқа ер участкасидан самарали фойдаланиб, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштиришда юқори натижаларга эришадиган, ички бозорни қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари билан таъминлаш, янги серҳосил навларни кўпайтириш ишларига муносиб ҳисса қўшаётган, деҳқончилик маданияти ва сир-асрорларини пухта эгаллаган, шунингдек, жамоат ишларидаги фаоллиги билан аҳоли ўртасида алоҳида хурматга сазовор бўлган илғор томорқа ер эгалари «Маҳалла сардори» сифатида танлаб олинмоқда.

Шунингдек, томорқа хўжалигига замонавий инновацион технологияларни жорий этган ҳолда экологик ва органик тоза,

арзон ва сифатли маҳсулотларни етиштириш бўйича шахсий намуна кўрсатгани алоҳида эътиборга олинмоқда. Ўз навбатида танлаб олинган сардорларни рағбатлантириш ва турли имтиёзлар бериш кўзда тутилган. Масалан, келгусида улар «Намунали томорқачи» кўкрак нишони билан тақдирланиши ҳамда уларга «Томорқа хўжалиги аъзолик гувоҳномаси» тақдим этилиши мумкин.

Бугунги кунда вилоятнинг Сирдарё, Сайхунобод ва Гулистон туманларидаги маҳаллаларда ана шундай сардорлар аниқлаб олинган.

Сирдарё туманидаги «Куёш» маҳалласида истиқомат қилувчи томорқачи Исроил Чакаловнинг томорқа экин ер майдони 8 сотихни ташкил этиб, ихтисослашуви – сабзавотчилик. Бу ерда помидор, булғор қалампир ва бодринг етиштириб келмоқда.

– Белгиланган талаб бўйича «Маҳалла сардори» Исроил Чакалов ўз томорқаси намунаси асосида «1+10» лойиҳасини амалга оширмоқда, – дейди «Куёш» маҳалласи ҳоким ёрдамчиси Тўлқин Жангиров. – Яъни ўз хонадони сингари ўнг томондан камиди 5 та, чап томондан 5 та хонадонга тажрибасини татбиқ этмоқда. Шунингдек, яқин вақтлар ичида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш ва парваришлаш мавзуларида амалий семинар, маҳорат дарслари ташкил қилишни режалаб турибмиз. Маҳалламизда жами 130 та хонадон бўлиб, И.Чакалов ўзи яшайдиган Тошкент кўчасидаги 30 га яқин хонадонларни кўчат билан таъминлаяпти. Шунингдек, маҳаллада дала дўкони, музлаткичли омборхона, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қуришти, саралаш, қадоклаш, қайта ишлашни ташкил этиш истагидаги фуқароларга кўмаклашяпти. Маҳалла ҳудудидаги энг фаол, салоҳиятли фермер хўжалиги, маҳаллага бириктирилган «Томорқа хизмати» корхонаси, Лидер тадбиркорлар ва бошқалар билан ҳамкорлик қилаяпти.

Қолаверса, кам таъминланган томорқа ер эгаларига томорқа ерларини шудгорлаш, экишга тайёрлаш ва экин экишга кўмаклашяпти. Кувонарлиси, ташаббус жорий қилинганга оз вақт ўтса-да, эҳтиёжманд ҳаммаҳалламиз Султонмурод Тўраевга иссиқхона қуриб берди. Ҳомийлар кўмагида зарур уруғлик ва кўчатлар билан таъминлаяпти. Уларга парранда, асалари, қуён, чорва моллари ажратишга ёрдамлашмоқда.

Сайхунобод туманидаги «Нуробод» маҳалласида истиқомат қилувчи томорқачи Зайниддин Нурматов ва Гулистон туманидаги «Аҳиллик» маҳалласида истиқомат қилувчи Ўктам Суярқуловлар айна пайтда сардор сифатида фаолиятини бошлашган. Эътиборлиси, бошланган бу ташаббус келгусида бошқа туман маҳаллаларида ҳам татбиқ этилиши белгиланган.

### МАҲАЛЛАДА НИМА ГАП?

## Йўллар текис, равон бўляпти



Президентнинг «2022-2023 йилларда маҳаллалар инфратузилмасини янада яхшилаш бўйича қўшимча чоратadbирлар тўғрисида»ги қарори ижросини таъминлаш доирасида Гулистон туманидаги «Мевазор» маҳалласида ободонлаштириш, қурилиш ва таъмирлаш ишлари олиб бориляпти.

– Маҳалламиздаги йўл, электр таъминотидаги муаммолар босқичма-босқич ҳал этиляпти, – дейди маҳалла раиси Холмирза Бойзоқов. – Шижоат кўчасининг узунлиги 600 метр, Мураббийлар кўчасининг узунлиги 400 метр ва Садаф кўчасининг узунлиги 200 метр қисмига цемент-бетон қопламаси ётқизиляпти. Шунингдек, 50 та тунги ёритгич ўрнатилди.

Маҳалланинг жами 12,5 км. масофадаги йўлларини асфальтлаш ва цемент-бетон қопламасини ётқизиш режа қилинган. Қурилиш ишларига 20 нафардан зиёд ишчи кучи ва 2 та махсус техника жалб этилган.

Мухбиримиз.

Хайрулло АБДУРАҲМОНОВ.

## «САРИҚ ҚУДУД»ДАГИ МАҲАЛЛАЛАР САФИГА ҚЎШИЛДИК»



**ЎЗБЕКИСТОН ТУМАНИДА ЎТГАН ЙИЛИ  
2 ТА МАҲАЛЛА ДАСТУРГА КИРИТИЛДИ.  
БУЛАР — «НАМУНА» ВА «ҲОТАМТОЙ»  
МАҲАЛЛАЛАРИ БЎЛИБ, ҚУРИЛИШ  
ИШЛАРИ ЯКУНИГА ҚЎРА, ФУҚАРОЛАР  
ЙИҒИНЛАРИ ҚИЁФАСИ ТАНИБ БЎЛМАС  
ДАРАЖАДА КЎРКАМЛАШДИ**

Бугун «Обод қишлоқ» ва «Обод маҳалла» дастурлари ижроси натижасида мамлакатнинг энг олис ва чекка ҳудудларидаги маҳаллалар инфратузилмаси яхшиланиб, ободликка юз тутмоқда.

Шахсан давлат раҳбари ташаббуси билан маҳалла институтига доимий равишда эътибор берилётгани бежиз эмас. Чунки одамларнинг умри, туғилишдан сўнгги кунларигача, ана шу маконда ўтади. Қувонарлиси, бундай эътибор натижасида обод ва кўркем маҳаллалар сони кундан-кунга кўпайиб бормоқда. Жумладан, Фарғона вилоятининг Ўзбекистон туманида 2022 йилда бир нечта маҳаллалар дастур асосида обод бўлди.

«Обод қишлоқ» ва «Обод маҳалла» дастурларига қайси маҳалла ёки қишлоқ киришини маҳаллий Кенгашлар белгилайди. Туман ва шаҳар ҳокимлиги масъуллари зарур маблағлар ва амалга ошириладиган ишларни аниқ ҳисоб-китоб қилиб, маҳалла раиси билан бирга, ҳудудий Кенгашларда ҳимоя қилади. Маҳаллий Кенгашлар ҳар бир маҳалла

кесимида ижтимоий соҳа, ичимлик сув, йўл-транспорт ва инфратузилма объектлари манзилли дастурини тасдиқлайди.

Айни шу тартиб асосида Ўзбекистон туманида ўтган йили 2 та маҳалла дастурга киритилди. Булар — «Намуна» ва «Ҳотамтой» маҳаллалари бўлиб, қурилиш ишлари якунига қўра, фуқаролар йиғинлари қиёфаси таниб бўлмас даражада кўркемлашди.

— Маҳалламиз тумanning чекка қисмида жойлашган бўлиб, «Обод қишлоқ» дастурига қўра янги қиёфа касб этди, — дейди «Намуна» маҳалласи раиси Зиёхиддин Уктамов. — Бунинг учун 7 миллиард 689 миллион сўм маблағ ажратилди. Шу кунгача аҳолининг энг катта муаммоси — ичимлик сувидан бўларди. Дастур асосидаги ишлар натижасида ичимлик сув аҳоли хонадонларигача етказилди. Бунинг

учун 6 км. 600 метрлик янги тармоқ тортилди, 2 та қудуқ қовланди, 3 та сув иншооти ўрнатилди. Кейинги навбатда йўлларимиз замонавий ҳолатга келтирилди. 5,5 км. масофадаги йўллар бетон ва асфальтланди, 4 км. шағаллаш ишлари амалга оширилди. 90 та бетон таянч устунлар, 50 та кўча чироқлари ўрнатилиб, 2 та трансформатор қўйилди. 2 км. масофада пидедалар йўлаги барпо этилди.

Дастур асосида ободонлаштириш ва қурилиш ишлари учун айнан бизнинг маҳаллани танлаб олингани бежиз эмас. Сабаби, маҳалламизнинг катта қисми чўл ҳудудда жойлашган бўлиб, «қизил ҳудуд»га киритилганди. Дастур асосидаги ишлар якунида «сарик ҳудуд»даги маҳаллалар сафига қўшилди.

Маҳалла раисининг маълум қилишича, ҳар икки маҳалла учун дастур доирасида жами 23 миллиард сўмдан

кўпроқ маблағ ажратилган. Бунда 24 км.дан ортиқ ички йўллар таъмирланиб, 24 км.дан ортиқ ичимлик сув тармоғи ҳамда 2 та сув қудуғи қазилган. Яна 2 та қудуқни таъмирлаш ниҳоясига етказилган. Электр таъминоти яхшилаш мақсадида 8 км.дан ортиқ тармоқ тортилган. 350 дондан ортиқ темир-бетон устунлари ҳамда 4 та трансформатор ўрнатилган.

Бундан ташқари, ҳар икки маҳаллада жойлашган 5 та ижтимоий соҳа объектлари реконструкция қилинган. Шунингдек, 6 км.дан ортиқ масофада алоқа тармоғи ўтказилиши туфайли эндиликда чекка ҳудудлар интернет тармоғига улашиш имконига эга бўлди.

Мухтасар айтганда, «Намуна» ўз номига мос ҳолда тумanning энг намунали ҳудудига айланди.

Хайрулло АБДУРАҲМОНОВ.

МАҲАЛЛАДА НИМА ГАП?

## «Маҳалланинг маърифатли аёллари»



Шахрихон туманидаги «Бувайдо» маҳалласида ҳамкор ташкилотлар иштирокида «Маҳалланинг маърифатли аёллари» мавзусида маданий-маърифий тадбир ташкил этилди.

Тадбирда мазкур маҳаллада истиқомат қилувчи аҳоли вакиллари, кайвони онахонлар, ёшлар, шунингдек, ўзаро тажриба алмашиш мақсадида таширф буюрган олтинқўллик фаол хотин-қизлар иштирок этди.

— Маҳалладаги мавжуд кўчалар кесимида аёллар ўртасида Заҳриддин Мухаммад Бобур ва Зулфияхоним шеърлари асосида ўтказилган мушоира барчага манзур бўлди, — дейди маҳалла раиси Исmoil Юнусалиев. — Шу билан

бирга, хотин-қизлар ўртасида миллий қадрият ва анъаналаримизни акс эттирувчи турли қизиқарли танловлар ташкил этилди. Унда ғолибликни қўлга киритган иштирокчиларга бадиий адабиётлар берилди.

Ташкилотчилар юртимизда хотин-қизларнинг жамият ҳаётида тутган ўрни ва ролини ошириш борасида қилган наётган ишлар, маҳаллаларда ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштириш, оилаларни мустаҳкамлаш, ёшлар таълим-тарбияси, аҳоли ўртасида

китобхонликни кенг тарғиб этиш, ҳудудларда ободонлаштириш-қўқаламзорлаштириш тадбирларини ташкил қилиш, бу борада аёлларнинг ўрни хусусида сўз юритишди.

Яқунда маҳалланинг бир гуруҳ фаол аёлларига ташкилотчиларнинг ташаккурнома ва совғалари топширилди. Ижро этилган куй ва қўшиқлар барчага хушқайфият улашди.

Саодат ФАЙЗУЛЛАЕВА,  
К.Бехзод номидаги институт талабаси.

**СУБСИДИЯ АСОСИДА МАҲАЛЛА КЎЧАЛАРИГА 120 МИЛЛИОН СЎМЛИК 9 ДОНА ЕР ОСТИ СУВ ҚУВУРЛАРИ ЎРНАТИЛДИ. ОДАМЛАРНИНГ ЎЗ ТОМОРҚАСИДА ДЕҲҚОНЧИЛИК БИЛАН ШУҒУЛЛАНИШЛАРИГА ИМКОН ЯРАТИЛДИ**



## «ДАСТУР ТУФФАЙЛИ МАҲАЛЛАМИЗ ФАЙЗЛИ БЎЛДИ»

Бугун олис ва яқин маҳаллалар бунёдкорлик, ободлик манзилларига айланган. Худудларда олиб борилётган ишлар натижасида қишлоқлар, овуллар кўчалари янада кўркамлашиб борапти. Жумладан, Навоий вилояти Кармана туманидаги «Зиёкор» маҳалла фуқаролар йиғини 14 та кўчадан иборат бўлиб, уларнинг барчаси «Обод маҳалла» дастури ва маҳалла раиси ташаббуси билан янада ўзгача кифа касб этапти.

Айтиш керакки, йиғинда 847 та хонадонда жами 4 056 нафар аҳоли истиқомат қилиб, улар маҳалладаги эски кўприкдан фойдаланишда қийналар эди. Айниқса, қиш фаслида музлаган, сирпанчик, шамол бўлса, қулаб кетадиган даражага келиб қолган кўприкдан фойдаланиш катта муаммо туғдирарди. Хайриятки, уларнинг орзулари ушаладиган бўлди. Дастур асосида худуддан оқиб ўтувчи «Дурман қасава» канали устидаги эски, машина тугул одамлар зўрға ўтадиган, алмисоқдан қолган кўприк таъмирланиб, эни 9 метрга кенгайтирилди. Ёнларига химоя тўсиқлари ўрнатилиб, атрофи ободонлаштирилди. Кўз кўрса қувонадиган даражага келтирилди.

Шунингдек, маҳалла раиси ташаббуси билан йиғиндаги Баҳор массиви, Ўзбекистон кўчаларига шағал ётқизиблиб, 1,5 километр қисми асфальтлаштирилди. Қишда лой, ёзда чанг бўлиб кетадиган йўлар равон бўлди.

— Одамлар бу кўприкдан ўтишга қийналишар эди, — дейди маҳалла раиси **Ихтиёр Туробов**. — Бир неча бор ҳашар йўли билан таъмирлагандик. «Эскини тузатгунча эсинг кетади», деб бекорга айтишмаган экан, кўпга бормай, аввалги ҳолига тушиб қолаверди. Одамлар эски, ярқисиз, қадам босса, сувга тушиб кетар даражадаги кўприкдан юришга қўрқиб, каналнинг у томонига ўтиш учун узоқ масофани пиёда айланиб ўтишга мажбур эди. Ёғочлари эскириб, чириб қолган кўприкдан ҳар гал юрагимизни ҳовучлаб ўтардик. Хайриятки, бу қийинчиликлар узоққа чўзилмади. Дастур асосида эски кўприк ўрнидан янгиси қуриб берилди.

Дарҳақиқат, худудда деҳқончилик билан шуғулланадиган, ўз томорқаси ортидан оила тебратадиган оилалар йиғинга оқова сув келмаслигидан қийналар, экинлар узок вақт мобайнида суғорилмаганидан қуриб қоларди. Бир-икки ойда сув келганда ҳам одамлар навбат талашиб, кўплар экин-тикинларини суғоролмай қоларди. Шунинг учун йиғинда яшовчи одамлар деҳқончилик қилишдан кўра, кўчадаги кунлик ишларга чиқиб кетишар эди. Раис ташаббуси билан субсидия асосида Ўзбекистон, Алиқушчи, Каттақўрғон, Саховат, Олмаота, Чехов кўчаларига 120 миллион сўмлик 9 дона ер ости сув қувурлари ўрнатилди. Одамларнинг ўз томорқасида деҳқончилик билан шуғулланишларига имкон яратилди.

Бундан ташқари, худуддаги одамлар фарзандларини кўшни маҳаллаларга боғчага юборар, бунда қатор қийинчиликларга учрашар эди. Энди бундай қийинчиликлар ортда қолди. Гап шундаки, худудда иккита ҳар бири 25 ўринли хусусий болалар боғчаси фаолият бошлади. Бу билан йиғинда истиқомат қилувчи 5 нафар кам таъминланган, ижтимоий ҳимояга муҳтож оилалар фарзандлари доимий иш билан таъминланди.

Умуман олганда, бугун «Зиёкор» маҳалла фуқаролар йиғини бутунлай ўзгача кўриниш касб эди. Маҳаллага келсангиз, ундаги ўзгаришларни, бунёдкорликларни кўриб, таний олмай қоласиз. Худуддаги янги қурилган кўприк одамларнинг

— Ўз маҳалласида болалар боғчаси фаолият олиб бораётган маҳаллаларга ҳавасимиз келар эди, — дейди Саховат кўчасида яшовчи **Муҳаббат Жиянова**. — Мана, бизни йиғинда шинамгина иккита болалар боғчаси иш бошлади. Энди фарзандларимиз ўзимиздаги боғчага боради, кўз олдимизда бўлади. Йиғинимиздаги бундай ўзгаришлардан биз жуда хурсандимиз. Халқни ўйлаб, одамларнинг фаровон ҳаёт кечирishi учун яратилаётган имкониятлардан мамнунимиз.

узоғини яқин қилмоқда. Бир йўла иккита болалар боғчаси ишга туширилгани эса болаларнинг келажакда илмми бўлиб етишишига замин яратмоқда.

**Мансурбек ЖАББОРОВ.**

РАИС ЁН ДАФТАРИГА!

### Субсидия олиш учун ойлик даромад қанча бўлиши керак?

Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 25 мартдаги тегишли қарори билан тасдиқланган «Уй-жой сотиб олиш ёки яққа тартибдаги уй-жойларни қуриш ва реконструкция қилиш учун фуқароларга субсидия тўлаш тартиби тўғрисида»ги Низомга асосан, ипотека кредитлари бўйича субсидия — бирламчи уй-жой бозоридаги квартираларни сотиб олиш ёки яққа тартибдаги уй-жойларни қуриш ва реконструкция қилишга ажратилади.

Бунда талабгор шахс ёки оиланинг қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ аниқланиши мумкин бўлган ўртача ойлик даромадлари миқдори:

— Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда — белгиланган меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдорининг 2,7 бараваридан 8 бараваригача (2 484 000 сўмдан 7 360 000 сўмгача);

— Тошкент шаҳрида — 2,7 бараваридан 9,2 бараваригача (2 484 000 сўмдан 8 464 000 сўмгача) бўлиши талаб этилади.



## 1 МАРТДАН БОШЛАНГАН ҲАМАНДА? ҲАМАНДА?

**АНЪАНАГА МУВОФИҚ, 2023 ЙИЛ 1 МАРТДАН БОШЛАБ ЎЗБЕКИСТОН ҚОНУНЧИЛИГИДА РЎЙ БЕРГАН АЙРИМ ҲАМАНДАНИ ЭСЛАТИБ ҲАМАНДА**

### УЧ БОСҚИЧЛИ СПОРТ МУСОБАҚАЛАРИ ҲАМАНДА



Президентнинг 2022 йил 4 апрелдаги «Маҳаллаларда ёшларни оммавий спортга жалб қилишни янги босқичга олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига асосан, 2023 йил 1 мартдан бошлаб олимпия, нолимпия ва миллий спорт турлари бўйича уч босқичли умум-

республика спорт мусобақаларини ўтказиш тизими жорий қилинади. Бунда:

- ☑ **биринчи босқичда** — туман (шаҳар) мусобақалари;
- ☑ **иккинчи босқичда** — вилоят мусобақалари;
- ☑ **учинчи босқичда** — республика (финал) мусобақалари ўтказилади.

### СОЛИҚ ҚАРЗИНИ БЎЛИБ-БЎЛИБ ТЎЛАШ МУМКИН

Президентнинг 2023 йил 2 февралдаги «Ҳаво ҳарорати кескин совиб кетишининг иқтисодий таъсирини камайтириш учун тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига асосан:

- ☑ тадбиркорлик субъектларининг 2023 йил 1 январга нисбатан 1 февраль ҳолатига ошган (ҳосил бўлган) солиқ қарзини 2023 йил 1 мартдан 1 июлга қадар фоизларсиз, қўшимча шартлар қўймасдан ва таъминот талаб этмасдан тенг улушларда бўлиб-бўлиб тўлашга рухсат берилади;
- ☑ тадбиркорлик субъектларига 2022 йил декабрь ва 2023 йил январь-февраль ойларида давлат мулкидан фойдаланганлик учун ижара тўловларини 2023 йил 1 мартдан бошлаб 1 июлга қадар тенг улушларда бўлиб-бўлиб тўлашга рухсат этилади.



### ЯШИЛ ЭНЕРГИЯ УЧУН ИМКОНИАТЛАР КЕНГАЯДИ



Президентнинг 2023 йил 16 февралдаги «2023 йилда қайта тикланувчи энергия манбаларини ва энергия тежовчи технологияларни жорий этишни жалдлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига асосан, 1 мартдан бошлаб, Ягона электр

энергетика тизимига уланиш учун берилган техник шартларда кўрсатилган қувватдан юқори бўлмаган қайта тикланувчи энергия манбалари қурилмаларини электр тармоқларига улашда қўшимча техник шарт олиш талаб этилмайди.

### ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАР ЭЛЕКТРОН РАСМИЙЛАШТИРИЛАДИ



Электр энергияси ва табиий газни назорат қилиш ҳамда ҳисобга олишининг автоматлаштирилган тизимларидаги ёқилғи-энергия ресурслари истеъмоли тўғрисидаги маълумотлар мониторинг қилинади.

Шунингдек, электр энергияси ва табиий газдан фойдаланиш қоидаларини бузиш билан боғлиқ ҳуқуқбузарлик бўйича тузилган далолатномаларни электрон расмийлаштириш ва тегишли маълумотларни «E-ma'muriy ish» тизимига киритиш тартиби жорий қилинади.

### ЭТНОСПОРТ МУСОБАҚАЛАРИ ҲАМАНДА



Давлат раҳбарининг 2022 йил 25 майдаги «Этноспорт турларини оммалаштириш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори кўра, 2023 йил 1 мартдан ҳар йили этноспорт турлари бўйича мусобақалар ўтказилади.

- ☑ 2023 йилдан анъанавий тарзда:
- ☑ Тошкент шаҳрида ҳар йили бир мартаба этноспорт турлари бўйича «Uzbekistan Ethno Games» республика фестивали;
- ☑ Хива шаҳрида ҳар икки йилда бир мартаба Халқаро этноспорт фестивали ташкил этилади.

### ЯНГИ АВИАҚАТНОВЛАР ЙЎЛГА ҚЎЙИЛАДИ

Худудларни бир-бири билан ўзаро боғлаш мақсадида қуйидаги янги йўналишларда мунтазам авиақатновлар бошланади:

- Самарқанд — Нукус;
- Самарқанд — Мўйноқ;
- Самарқанд — Термиз;
- Бухоро — Термиз;
- Наманган — Термиз;
- Наманган — Нукус.



### ШУНИНГДЕК, 2023 ЙИЛ 1 МАРТДАН БОШЛАБ:

☑ унитар корхона ёки қўшимча масъулиятли жамият ташкилий-ҳуқуқий шаклида юридик шахс ташкил этишга йўл қўйилмайди;

☑ тадбиркорлар сайёр солиқ текширувлари устидан тўғридан-тўғри судга шикоят қилиши мумкин бўлади;

☑ юридик шахсларга ЯИДХ портали орқали тижорат хизматларини кўрсатишга рухсат берилади;

☑ Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари билан амалга ошириладиган бир шартнома суммаси БҲМнинг 3 500 баравари ва ундан юқори бўлган давлат харидлари бўйича буюртмалар тўғридан-тўғри шартномалар асосида бажарилиши тўхтатилади;

☑ қийноққа солишга қарши курашиш бўйича қисқа муддатли ўқув курслари ташкил этилади;

☑ IT-парк резидентлари ҳар ой ўтказиладиган ажратмалар миқдори улар томонидан яратилган дастур, миллий ижтимоий тармоқ ва мессенжерлар аудиториясининг қамрови 500 минг фойдаланувчидан ошганда 25 фоизга, 1 миллиондан ошганда 50 фоизга пасайтирилади;

☑ ҚҚС тўловчилар ва устав жамғармаси (капитали)да давлат улуши 50 фоиз ва ундан кўпроқ миқдорда бўлган юридик шахслар учун янги мажбурият юкланади;

☑ ўқувчилар экстернат тартибида имтиҳонлар топшириш учун ЯИДХП орқали аризаларни қабул қилиш муддати 1 майга қадар давом этади.

# ЧИЛИМГА ТОБЕЛИК НЕГА ОРТИБ КЕТАПТИ?

**ЁХУД  
ДУНЁДА КАШАНДАЛИК  
ВА ЧИЛИМ ЧЕКИШ  
ОҚИБАТИДА ҲАР ЙИЛИ  
5,4 МИЛЛИОН, ҲАР  
6 СОНИЯДА 1 КИШИ  
ҲАЁТДАН КЎЗ ЮМАДИ**

Бугун ижтимоий тармоқларни кузатсангиз, айрим ёшларнинг кафе ёки ресторанларда чилимкашликдан завқлангани акс этган суратлар ва видеоларга кўзингиз тушади. Енгил-елпи ҳаётни хуш кўрувчилар учун улфатлари билан бир стол атрофида жам бўлиб, суҳбат асносида қўлма-қўл чилим чекиши олифталик, ўзини кўз-кўз қилиш воситасига айланган.

Яқинда бир дўстимизнинг кистовига кўра, сабоқдош талабалар билан «Playstation» ўйнашга бордик. Ишонсангиз, бир соатча юриб, ахирини битта бўш жой топиб жойлашдик. Курсдошларим ўйинга шунақанги берилиб кетишдики, асти қўяверасиз. Мен бироз ҳаво алмаштирай, деб ташқарига чиқмоқчи бўлдим. Қарасам, биз ўтирган хонанинг сал наридаги эшикдан тутун ўрлаб чиқаяпти! Ёнғин бўлдимикин, деб ўйлагандим, тутун ҳиди димоғимга урилди. Бирам ғалати... Секин бориб қарадим. Бир тўда болалар уч-тўртта чилим олиб, алмаштириб чекишяпти. Улар ўтирган хона шунақанги тутунга тўлганки, бир дақиқа ўтириб бўлмайди. Булар эса чилимни бурқситиб чекиш билан овора! Мени сезишмади ҳам. Балки ўпкасига кўшилиб, кўзи ҳам тутунга тўлган бўлса кўрмагандир? Ачинарлиси, уларнинг аксарияти ҳали вояга етмаган ёш болалар эди.

Ҳисобни тўлаш учун боришганида, буларга қарата айрилган нархдан қаплагим учиб кетди. «Тутун бандалари»нинг бир маротаба «калян» чекиш учун тўлаган пулига оддийроқ одам бир ой оиласини озиқ-овқат билан таъминлай оларди...

Орадан бир неча кун ўтди. Бироқ ўша манзара ҳамон кўз олдимда гавдаланаверади. Саволлар ёпирилиб келаверади: бир онлик завқ учун оддий хизматчининг камида бир ойлик маошини тўлаб чиқаётган бу йигитларга ота-онаси қандай қилиб шунча пул беряпти экан? Уларнинг «замонавийлик белгиси» деб биладиган чилим ва электрон сигарета чекишини, ярим тунгача кафе-ресторанларда вақтичоғлик қилишини оила катталари билармикан? Умуман, бу ёшлар «қулдираётган афюн»нинг зарари ҳақида биладими ўзи?..

Баъзи тенгдошларимнинг «оч қоринга сигарета сутдек кетади-да» деганларини эшитиб қоламан. Наҳотки, оч қоринга чекиш ошқозон касалликларига олиб келишини билишмаса? Оч қоринга чекилган сигарета нафақат инсон ўпкасига, балки ошқозон шиллиқ пардаси яллиғланишига ҳам олиб келади. Унутманг, сиз нима истеъмол қилишга киришсангиз, миянгиз автоматик тарзда ошқозонингизга сигнал юборади ва у кислота ишлаб чиқара бошлайди. Ошқозонга ҳеч нима тушмагач, у ўзини ўзи емиради.

## СТАТИСТИКА:

дунёда кашандалик ва чилим чекиш оқибатида ҳар йили 5,4 миллион, ҳар 6 сонияда 1 киши ҳаётдан кўз юмади. Мутахассисларнинг фикрича, агар зарур чоралар кўрилмаса, 2030 йилга бориб, кашандалик ва чилим чекиш ҳар йили

**8 МИЛЛИОН** кишининг ҳаётдан бевақт кўз юмишига сабаб бўлади.

Кизиқ, нима учун тамаки маҳсулотлари инсон саломатлиги учун хавфли бўлишига қарамай, чилим ва электрон сигарета чекувчилар сони ортмоқда? Наҳотки, бу гирдоб ичидан чиқишнинг имкони бўлмаса?

— Чилим чекиш гепатит ҳамда турли юқумли касалликларнинг ривожланишига олиб келади, — дейди Тошкент шаҳар наркологи диспансери наркологи-шифокори Фахриддин Низомов. — Бир маротаба чилим чекиш 150 донга сигарета чеккан билан баравар. Спиртли ичимлик ича туриб чилим чекиш эса унинг зиёнини бир неча бараварга оширади. Чилим чайнаги фильтр вазифасини бажаради. Бироқ у чилимдан чиқадиган зарарни 100 фоиз филтрлай олмайди. Оқибатда юздан ортиқ оғир металл тузлари одам организмига тушиб, уни заҳарлайди. Эркак ва аёлларда бепуштлиқ, ўсмирларда эса унга нисбатан руҳий қарамликни келтириб чиқаради, кашанда аёлларда ҳомиланинг ривожланишига салбий таъсир кўрсатади.

## Бекорчиликда орттирилган иллат

«Мен 16 ёшимдан буён чилим ва сигарета чекман. Бу одат даставвал ўсмирликнинг қизиқувчанлиги, қизиққонлиги билан бошланган бўлса, кейинчалик унга ўрганиб қолиб, одатий ҳаёт тарзимга айланди. Унинг соғлиқ учун зарар эканини билсам-да, ҳеч воз кеча олмаяпман. Олти ойлаб чилим чекмай юрган пайтларим ҳам бўлган, ammo тарки одат амримаҳол, деганларидек, яна кунига 10-12 маҳал чекадиган бўлдим. Камига кечкурунлари дўстларим билан йўғилиб, чилимкашлик

қиламиз. Бир қути сигарета 2 кунга етмайди. Агар чекишнинг иқтисодий томони ўйлаб кўрилса ҳам, катта зарар эканини англаш қийин эмас. Тан олиб айтаман, кашандалик — бекорчилик оқибатида келиб чиқадиган иллат. Агар одам ўсмирлик ёшидан фойдали иш, хунар, ўқиш ёки кундалик юмушлар билан банд бўлса, кун тартиби тўғри йўлга қўйилса, бунинг зарари тўғри тушунтириб берилса, ўйлайманки, бундай зарарли одатларга ёндашмаслиги аниқ», — деб ёзади ижтимоий тармоқдаги саҳифасида Сардор исмли йигит.

Бу йигитнинг айтишича, кунига 2-3 қути тамаки чекадиганлар, электрон сигаретага ружу қўйиб бораётганлар кўпайиб, айниқса, тунги пайтларда кафе, ресторанларда электрон сигарета ва чилим чекиш «урф»га кириб боряпти.

— Кашандалик, асосан, зеркиш, банд бўлмаслик, ўз ҳаётиндан норозиликдан келиб чиқади, — дейди психотерапевт Зебо Аҳмедова. — Аввал қизиқшдан бошланган бу ҳолат йиллар ўтиб чуқурлаша боради. Чекувчи реал эмас, нореал ҳаётни маъқул кўра бошлайди. Нореал ҳаёт кашандалик, гиёҳвандлик ва ичкиликбозлик кўринишларида намоён бўлади. Кашандининг иродаси заифлаша боради. Ирода марказининг тўсилиши эса муаммоларни ҳал қилолмасликка, қарамликка олиб келади.

**Шу ўринда савол туғилади:** нега чилим ва электрон сигареталар очикчасига сотиляпти? Нима учун кафе-барларда, ижтимоий тармоқларда зўр бериб реклама қилиняпти? Кўшни (Қозғистон, Қирғизистон) республикаларида чилим чекиш қонунан тақиқланган. Юртимизда эса чилимкашлик ва электрон сигарета кашандаларининг сони ошиб бормоқда. Мамлакатимизда чилимкашликнинг олдини олиш учун қонун ишлаб чиқилганми? Ёки кашандаликка руҳсат берувчи қонун амалга кирдимми?..

2018 йил 4 октябрда «Жамоат жойларида чилим ва электрон сигареталар чекишни чеклаш тўғрисида»ги қонун қабул қилинган. Шунингдек, чилим ва электрон сигареталар чекишни реклама қилиш, яъни чилим ва электрон сигареталар чекиш усуллари ва йўллари, шунингдек, уларни олиш жойлари тўғрисидаги маълумотларни тарқатишга қаратилган фаолиятга йўл қўйилмайди. Чилим ва электрон сигареталар чекишни тарғиб қилиш, яъни чекишни рағбатлантирувчи, шахсда уларни истеъмол қилишнинг зарарсизлиги ҳақидаги тасаввурни шакллантирувчи ғоялар, қарашлар ва бадий образларни очик ёки яширин шаклда тарқатишга қаратилган ҳаракатлар қонун билан тақиқланади.

Аmmo, минг афсуски, тунги кафе-барларда чилим дегани чекувчиларни қути туради. Улар ўз эгасига миллионлаб даромад, ёшларга ажал бериш билан овора!..

Мансурбек ЖАББОРОВ.

**АФСУСКИ, ШАҲАРЛАРДА БИР УЙДА, ЁНМА-ЁН БИР НЕЧА ТУРАРЖОЙЛАРДА ЯШАЙДИГАН ҚЎШНИЛАР БИР-БИРИНИ ДЕЯРЛИ ТАНИМАЙДИ, ЭСИГА ТУШИБ ҚОЛСА, САЛОМ БЕРАДИ, БЎЛМАСА, ШУНИ ҲАМ НАСИЯ ҚИЛАДИ. ҲАШАРНИ-КУ АЙТМАСА ҲАМ БЎЛАДИ**

## ЗАМОНАВИЙ ҚЎШНИЧИЛИК ЎЗЛИКНИ ТАРК ЭТЯПТИМИ?



Болалик ажиб давр-да, биз учун вақтида зерикарли, мутлақо қизиқ бўлмаган ҳолатлар, жараёнлар улғайгач, чуқур ўйга толдириб қўяди. Мисол учун, «Маҳаллада дув-дув гап» ёки «Тангалик болалар» фильмларини болалигимизда кўрганмизу, лекин унинг асл моҳиятига, мазмунига диққат қаратмаганмиз, жойи келса, мириқиб кулганмиз. Айниқса, уларда қўшничилик одоби, қўни-қўшниларнинг бир-бирига оқибати, ҳурмат-эҳтиром, керак бўлса, бир болага етти қўшни ота-оналик қилиши эътиборимизни тартади.

Хўш, бугун-чи? Қўни-қўшничилик одоби, маданиятига риоя қиляпмизми? Саволни шундай қўядиган бўлсак, афсуски, бошни қашлаб қолишга мажбурмиз. Бугун бундай ришталар фақат юқорида номлари келтирилган киноларда, ёшлик даврларимизда қолиб кетгандек, назаримизда. Айни пайтда аксарият одамлар уларнинг ҳолидан хабар олиш у ёқда турсин, ҳатто бир девор қўшнисини танимайди. Бир-бири билан олди-берди қилгиси, келди-кетдиси йўқ. Бу ҳолат, айниқса, шаҳарларда, кўп қаватли тураржойларда яққол кўзга ташланади...

Келинг, бир болалик чоғларимизни эслайлик. Қишлоқнинг чанг кўчалари-ю, тонгда хўрозларнинг қичқирғи, кувёш ботишга яқин далалардан мол-қўйларнинг чангитиб қайтиши, иссиқ нонларнинг тандирдан чиқиши биланоқ бир парчасини синдириб, муздай сувга ботириб ейишнинг гашти бошқача эди. Ёши улуғ бобо-момоларнинг сув сепилган супаларда чордона қуриб, гурунглашиб ўтириши, уларнинг тарихдан сўзловчи ҳикоялари одамни буткул сеҳрлаб оларди. Болаликни борича ҳис қилиш айнан шу вақтлардан бошланган, десак хато бўлмайди.

Афсуски, соялар алмашгани сингари қўни-қўшничиликнинг ҳам вақт ўтган сари кўри-нишлари, муносабатлари ўзгариб бормоқда. Яқин йилларга назар солсак, олис-олис қишлоқларда, ҳатто марказларда қўшнилар ўртасидаги меҳр-оқибат, ҳурмат-эҳтиром ўзгача, яъни чапани эди. Тандирдан узилган нонидан тортиб, энди соғиб олинган сутгача бир-бирига улашар, тунлари бир-бирининг уйларида узундан-узун суҳбатлар қуриб, тонгни кутиб олишар, агар бирор сабаб билан қўшни уйда бўлмай қолса, эшикка қулф осмай, «кўшним бор-ку, кўнгил тўқ», дея бемалол юмушларини битиришар эди. «Бир болага етти маҳалла ҳам ота, ҳам она», деганларидек, эҳ-ҳе, қишлоқнинг у четида яшовчи одамларнинг болаларини ҳам ҳамма танишар, ўз фарзандларидек кўришарди. Хўш, сизнинг-ча бугун замонавийлашган дунёда қўшниларнинг бир-бирига муносабати, меҳри қандай? Болалик чоғларимиздаги қўшнилар орасидаги алоқаларни, оқибатни, ўзаро бир-бирига суянч бўлишдек бағрикенгликни нега кам кўряпмиз?

“

**«Энг ширин нарсанинг охири аччиқ», деганларидек, болаликдаги у даврлар ҳам, одамлар ҳам ортда қолди. Бугун барча шарт-шароитлар, ҳатто керагидан ортиқ: эшиклар энг мустаҳкам ҳимоя тизимига эга, сўнгги русумдаги видеокамералар «уйдан хабар олиб туринг, қўшни» дейишга ҳожат қолдирмайдиган даражада. Уяли алоқа воситасидан барчасини онлайн кузатиб туриш мумкин.**

”

Баъзан уйлар, ҳатто маҳаллалардан ўтаётганимизда тўй бўлаётган хонадонларга кўзимиз тушади. Ҳовли-уйлар чиройли қилиб безатилгану, битта стол, тўртта стул, тўртта қариндош, иккита қўшни билан тўй ўтиб кетади. Хайрон қоласан киши. Ваҳоланки, қўшнимизникида бирон-бир тадбир бўлиб қолса, катталар «сизлар ҳам чиқиб, нима хизмат бўлса, ёрдам беринглар», деб айтишарди. Қўшни чақирмаса-да, эрта тонгдан ҳамма хизматга шошар эди. Энди-чи, замон ўзгардими ё одамларимиз бегоналашиб кетяптими?! Бироқ юз йил олдинги йигирма тўрт соат ҳозир ҳам худди шундай...

Фақатгина бир нарса кўнгилга бироз таскин беради: ҳали қишлоқларимизда, овуллари-мизда, олис маҳаллаларимизда бундай «замонавийлашув» тўлиқ жорий бўлмади. Аммо у томонларда ҳам ёшлар чет элларга, шаҳарларга бориб, ишлаб қайтиб келгач, янгича қўшничилик аломатларини олиб кираётгани ҳам бор гап. Бунинг турли маъракаларда, хурсандчилик кунларида гувоҳи бўляпмиз.

Назаримизда, биз замонавий дунёга қараб эмас, замонавий одамлар бизга қараб — миллий урф-одатлар, анъаналарга боқиб мослашгани меъёрда бўлгани яхши. Шунда жамиятдаги турли ахлоқсизликлар, оиладаги низоларни кўчага олиб чиқишлар, миллийликка мос бўлмаган кийимлар кийиш ва бошқа жиҳатлардан одамлар бироз уялиб, ўзларига «қўшнилари нима дейди, танбех бермайдим, маҳаллага иснод келтирмайманми», деган саволлар берармиди...

Афсуски, шаҳарларда бир уйда, ёнма-ён бир неча тураржойларда яшайдиган қўшнилар бир-бирини деярли танимайди, эсига тушиб қолса, салом беради, бўлмаса, шуни ҳам насия қилади. Ҳашарни-ку айтмаса ҳам бўлади. Аслида, аждодларимиз қандай аҳил бўлишган, қўшнисини бирор кичик ютуққа эришса, худди ўзи эришгандай суюнган. Эндиликда айрим замонавийлашган қўшнилар «ҳа, нима қилибди, мен тезроқ қандай қилиб бўлса ҳам бундан зўрини қилишим керак», зайлидаги фикрлашга ўтиб кетаётгани ачинарли. Биз ён қўшнимизга, маҳалламизга, қишлоғимизга ўз яшаш тамойилимиз билан намуна бўлишимиз керак эмасми?! Аслида, азал шундай эди-ку. Назаримизда, ҳали ҳам кеч эмас. Ўзлимизга қайтайлик, ўзимизни танийлик!

Хўш, бу ҳақда Сиз қандай фикрдасиз, азиз маҳалладош?

Диёрбек АБДУРАҲМОНОВ,  
ЎЗЖОКУ талабаси.

МЕНДА САВОЛ БОР...

### Алимент олаётган онага «бола пули» берилмайдими?

— Болалар нафақаси олиш учун ариза ёзмоқчи эдим. Турмушдан ажралганман. Фарзандимга отаси алимент тўлайди. Танишларим алимент олаётганим сабабли менга «бола пули» берилмаслигини айтишди. Шу тўғрими?

Н.ТУРДИЕВА.  
Тошкент шаҳри.

Яхё МАМАДАЛИЕВ,  
«Мадад» ННТ мутахассиси:

— Қонунчиликда алиментлар оиланинг бир ойлик ўртача жами даромад миқдорини ҳисоблаб чиқишда инобатга олинади, деб кўрсатилган.

Шунга кўра, олинган алимент оилага «бола пули» берилиши учун даромад сифатида ҳисобга олиниши тўғриси, лекин ҳеч бир ҳужжатда алимент олингани учун нафақа берилмайди, деган норма келтирилмаган. Ўша олинган алимент оиланинг бошқа даромадлари билан қўшиб ҳисоблаганда, оила аъзолари сонига минимал истеъмол харажатлари миқдоридан ошмаса, яъни ҳозирги кунда 498 минг сўмдан ошиб кетмаса бўлди, қонунчиликнинг бошқа талабларидан келиб чиқиб болалар нафақаси берилиши мумкин.

ЎТОВДА ЁЗИЛМАГАН, АММО ҚАТЪИЙ ҚОИДА БОР: ЎНГ ТОМОНДА ЭРКАКЛАР, СЎЛ ТОМОНДА ХОТИН-ҚИЗЛАР ЎТИРАДИ. ЎНГ ТОМОН МУҚАДДАС ҲИСОБЛАНГАН ВА ЭРКАКЛАР ЎТИРГАН ЎРИНИ ХОТИН-ҚИЗЛАР БОСИШИ ҚАТЪИЙ ТАЪҚИҚЛАНГАН



Қорақалпоқ халқида хос миллий қадриятлар ҳақида сўз кетганда, энг аввало, ўтовлар кўз олдимизда гавдаланади. «Қора уй» ўзининг қурилиши, кўриниши билан бошқа халқлар ўтовидан ажралиб туради. Ўтовларда қорақалпоқ халқининг ақл-заковати, неча асрлик ҳаёт тарзи яшаб келмоқда. Бугун улардан ҳудуд туристик салоҳиятини оширишда кенг фойдаланилмоқда. Хусусан, Аёзқалъа, Тупроққалъа ёки Мўйноқда ва, ҳатто Орол денгизи бўйларида тикилган ўтовлар хорижий сайёҳларда ўзига хос таассурот қолдирадиган масканларга айланган.

#### Ўтовнинг ёзилмаган қоидаси бор...

Ўтовни тиклаш ўзига хос меҳнат талаб этади. Унга ишлатилган ашёлар тайёрлайдиган усталарни «уйчи» дейишади. Худуд усталарининг таъкидлашича, «қора уй»ни тиклашда ҳар қандай ёғочдан фойдаланиб бўлмайди, ўтов фақат чидамли, эгиловчан тойдан ишланади. Уни тиклаш уч босқичда амалга оширилади — дастлаб кереге (ёғоч панжара), ундан сўнг шанироқ (том қисми), сўнгги босқич увик (тиргак) деб юритилади.

Ушбу қисмларни тайёр қолга келтириш анча мураккаб жараён бўлиб, қуритилган ёғоч бирмунча вақт сувда сақланади. Кейин яна қуритилади, қобиғи арчилади ва керакли йўғонликка келтирилади. Сўнг яна сувга солиб, махсус печ мўрисига қўйилади. Печдаги тутун таъсири билан ёғоч юмшайди ва осон эгилади. «Қора уй»нинг юқори қисми чанғароқ деб аталиб, у тойдан эгик доира шаклида тайёрланади. Айланаси 8-9, қалинлиги бир қарични ташкил этади. Ўтовнинг яна бир энг муҳим қисми шанироқ бўлиб, у гумбазсимон доирадан иборат.

Ўтов тиклашда унинг ташки томондан ўраладиган жиҳозларига алоҳида

эътибор берилган. Ўтовнинг таркибий қисми саналган «чийлар» ташқи муҳитдан ҳимоя, шунингдек, турли ҳашарот ва кемирувчилардан сақлаган. Чийлар беш-олти қарич узунликдаги қамишдан тўқилиб, керагаларга уланган. Ергади намликдан сақланиш мақсадида ўтов ичига доимий равишда бўйра тўшалади ва унинг устидан кигиз ташланган.

Ўтовда ёзилмаган, аммо қатъий қоида мавжуд бўлиб, ўнги томонида ёшига қараб эркаклар, сўл томонида хотин-қизлар босиши қатъий таъқиқланган. «Қора уй»га кириш эшигидан энгашиб кириш бу хонадонга таъзим қилиб, ҳурмат кўрсатиш рамзидир. Умуман олганда, ўтов қайсидир маънода қорақалпоқ тарихини, миллийлигини, урф-одатларини акс эттирувчи қадриятдир.

#### Ўтов қанча вақтда ясалади?

Чимбой туманидаги «Ипак йўли» маҳалласи — ўтовчи хунармандлар энг кўп истиқомат қиладиган манзилдир. Хусусан, шу ерда яшовчи Задахон Мирзамуратова ўтов ва унинг безакларини тикиш билан шуғулланиб келмоқда.

Задахон опага келинлари, қизлари, кўни-кўшнлари шогирд тушиб, хунар ўрганишган.

— Қорақалпоқ элида шундай гап бор: «қора уй»ни аёллар тикади, яъни ўтовнинг энг оғир қисми — ўқини эркаклар кўтариб беради, қолган иш аёллар томонидан бажарилади, — дейди хунарманд Задахон Мирзамуратова. — Ўтовнинг 70 фоиз меҳнати аёллар қўли билан яратилади. Яъни ёғочдан тикланиб бўлинган, уни яхлит ансамбль қиёфасига келтириш учун жуда кўп вақт турлари билан безатилади ва улар қўлда тайёрланади. Шунинг учун Қорақалпоқистонда миллий хунармандчиликнинг бу йўналишининг сир-асрорларини ёшларга, қизларга ўргатиш ишларига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Мазкур маҳаллада яшовчи чеварлардан яна бири — Кундуз Қурбоновдир. У бугунги кунда тумандаги 8-сонли Болалар мусиқа ва санъат мактабида 70 нафардан ортиқ шогирдига хунармандчилик сирларини ўргатиб келмоқда. Шунингдек, тумандаги «Қоракўл» йиғинида яшовчи Серагул Қутимова ўтов ва унинг безакларини тикиш билан шуғулланади. Серагул опа 2019 йилда имтиёзли кредит олиб, ўз фаолиятини

кенгайтирди. Шу билан бирга, «устоз-шогирд» тизими асосида хотин-қизларга, айниқса, ёшларга хунар сирларини ўргатиб келаётир.

Азамат Турекеев — уста-хунармандларнинг учинчи авлод вакили. Азалий анъаналарни давом эттириш, ривожлантиришни олий мақсади, деб билган хунарманд «устоз-шогирд» мактабини такомиллаштириб, ўз хунари сир-асрорларини ёшларга ўргатмоқда. Уста Оролбўйи худудда хунармандчилик устахонаси, уй-меҳмонхона ва музей ташкил этган. Худуднинг туристик салоҳиятини ошириш мақсадида ташкил этилган устахонада сайёҳлар «қора уй»нинг ясалиш жараёни билан яқиндан танишиш имкониятига эга.

— Битта ўтов ясаш учун камида икки ой вақт кетади. — дейди Азамат Турекеев. — Шундай машаққатли меҳнат маҳсули бўлган «қора уй»ларга хорижда талаб катта. Маҳсулотларимизни Қозғистон, Қирғизистон каби қўшни давлатлардан ташқари, Туркия, Чехия каби олис мамлакатларга ҳам экспорт қиляпмиз. Мижозлар талаби асосида қорақалпоқ «қора уй»ларидан ташқари, мўғил, қозоқ ва ўзбек ўтовлари тайёрлашни ҳам йўлга қўйганмиз.

Дарҳақиқат, ўтовга бир бора кирсангиз, худди тарихга, ўтмишга саёҳат қилгандек бўласиз. Ўтмишга саёҳат, аجدодлар нафасини ҳис қилиш эса кишига ўзгача тасаввур бағишлайди. Мозий нафасию аждодлар диди ва маҳорати сингган миллий ва амалий санъат келажак учун ҳамиша қизикдир. Юксак дид ва маҳорат билан яратилган бу каби миллий қадриятларимиз акс этган «қора уй»лар юртимизга ташриф буюрган ҳар бир хорижликни бефарқ қолдирмаслиги шубҳасиз.

Иброҳим ПЎЛАТОВ.

Ўзбекистон Республикаси  
Президенти Администрацияси ҳузуридаги  
Ахборот ва оммавий  
коммуникациялар  
агентлиги томонидан  
2019 йил 24 сентябрда  
0019 рақами билан давлат  
рўйхатидан ўтказилган.

Бош муҳаррир  
**Бахтиёр АБДУСАТТОВ**

Ижодий гуруҳ:  
**Санжар ИСМАТОВ,  
Хайрулло АБДУРАҲМОНОВ**

Дизайнер:  
**Абдулазиз АҲМЕДОВ**

**Mahalla**

Ижтимоий-сиёсий, маънавий-  
маърифий газета

МУАССИС:  
«Mahalla» nashriyot-matbaa uyī» МЧЖ

Таҳририят манзили:  
Тошкент шаҳри, Мустақиллик  
шоҳ кўчаси, 59-уй.  
Индекс: 100192  
Телефонлар:  
Қабулхона: 71 233-39-89,  
Обуна бўлими: 71 233-10-92.  
Баҳоиси келишилган нархда.  
Нашр кўрсаткичи: 148

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик  
компанияси босмахонасида чоп этилди.  
Босмахона манзили: Тошкент шаҳри  
Буюк Турон кўчаси 41-уй.  
Ўлчамлари — А3, 4 босма табоқ.  
**8 510 нусхада чоп этилди.**  
Буюртма №: Г-318  
Газета таҳририят компьютер марказида  
саҳифаланди ва офсет усулида босилди.

